

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
 ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛТЕТИ

«ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ» КАФЕДРАСИ

БАКАЛАВРИАТ5610100 - ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ
 ЙЎНАЛИШИ

4.35- ГУРУХ ТАЛАБАСИ

ХУЖАМҚУЛОВ МУХТОРЖОН ТУРАҚУЛОВИЧНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: қишлоқ хўжалигига сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни
 ривожлантириш йўллари

Илмий раҳбар:

Фермер хўжалигини бошқариш»
 кафедраси доценти и.ф.н. _____ Т.И.Жўраев

“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

Фермер хўжалигини бошқариш
 кафедраси мудири, доцент
 _____ Р. Пулатова
 «__» _____ 2014 йил

Фермер хўжалигини бошқариш
 факультети декани доцент
 _____ А.Шокиров
 «__» _____ 2014 йил

ТОШКЕНТ – 2014
 МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Адабиётлар шарҳи.....	8
I. Боб. Қишлоқ хўжалигига сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантиришнинг назарий асослари	
1.1 Қишлоқ хўжалигида инфратузилма тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.....	11
1.2 Қишлоқ хўжалигида сервис хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилма хизматларининг тутган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	17
2. Боб. Қишлоқ хўжалигига сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилма тизимининг ҳозирги ҳолати	
2.1 Қишлоқ хўжалигида сервис хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилма хизматларининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	27
2.2 Қишлоқда сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ташкил қилиш ва фермер хўжаликларига кўрсатилган хизматлар таҳлили.....	55
3 Боб. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигига сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	
3.1 Фермер хўжаликларига сервис хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.....	59
3.2 Қишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва сервис хизматлар кўрсатиш бўйича шартномавий муносабатларни такомиллаштириш йўллари.....	68
Хулоса ва таклифлар.....	74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	80

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларда аграр ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида мамлакатда фермерликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Фермер хўжалиklarини ривожлантиришнинг институционал асослари шакллантирилди. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг махсус қонуни ва фермер хўжалиklари ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тамойилларини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар туркуми қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ўзининг “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” номли маърузасида фермер хўжалиklarининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрнига алоҳида эътибор билан қараб: “.....қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи роль ўйнади”¹ - деб кўрсатиб ўтдилар.

Республикада 2014 йилда жами фермер хўжалиklarини сони 72329 тани ташкил этиб шундан, 17 482 кўп тармоқли фермер хўжалиги мақомига эга. Шундан: боғ, тоқзорлар ва кўчатчиликни ташкил этиш бўйича фермер хўжалиklари сони 2425 тани майдони 12133 гектар, сабзавотчиликни ташкил этиш бўйича фермер хўжалиklари сони 5839 тани майдони 16467 гектар, сервис хизматларини ташкил этиш бўйича фермер хўжалиklари сони 5331 тани, лойиҳалар сони 7006 тани, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича жами фермер хўжалиklари сони 395 тани шундан, гўштни қайта ишлаш 99, сутни қайта ишлаш 166, мева-сабзавотларни қайта ишлаш 135, яратиладиган янги иш ўринларисони 3060 та, қорамолчиликни ташкил этиш бўйича 1500 та (бошсони

¹И.А.Каримов.2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.Тошкент. Халқ сўзи. 18.01.2014. № 13.

54768), паррандачиликни ташкил этиш бўйича 670 та, палиқчиликни ташкил этиш бўйича 686 та, асаларичиликни ташкил этиш бўйича 636 та ихтисослашган фермер хўжаликлари мавжуд.

Иқтисодий эркинлаштириш, аграр соҳада ислохот билан боғлиқ тадбирларни жадаллаштириш пировард натижада инфратузилма субъектларининг ташкил этилиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқда фермер хўжаликларини устувор йўналиш сифатида ривожлантириш Концепцияси ва уни амалга оширишга қаратилган дастурларни қабул қилиниши соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлов, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, таъминот, савдо-сотиқ, молиявий ва тижорат тизимини ўз ичига олган янги, самарали йўналишларини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш ва ривожлантиришни талаб эта бошлади.

Натижада фермер хўжаликларига турли йўналишда сервис хизмати кўрсатишга ихтисослашган мини-банклар, муқобил машина-трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материалларини тақсимлаш каби шаҳобчалар ташкил этилиб, ривожлантирила бошланди. Бозор иқтисодий шароитида бундай инфратузилмалар қаторида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўп жаҳатдан сервисхизматларини нечоғлиқ оқилона ташкил этишига ҳам боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминоти ва хизмат кўрсатиш тизими такомиллашиши лозимлиги, танланган мавзунин долзарблигини белгилаб беради. Бу борада илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳозирги куннинг кечиктириб бўлмас вазифаларидан ҳисобланади.

Шу боис иқтисодий модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигига сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий асосларини ўрганиш ва уни ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ушбу танланган мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Битирувмалакавий ишининг мавзусини ўрганилганлик

даражаси. Қишлоқ хўжалигига сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ташкил этишнинг назарий, иқтисодий асослари кўплиги хорижлик олимлар томонидан ўрганилган. Ўзбекистон шароитида бу муаммога Хусанов Р.Х, Хушматов Н.С., Чориев Қ.А ва Фармонов Т.Х каби олимлар ўз изланишлари билан ҳисса қўшганлар, лекин иқтисодиётни модернизациялаш шароитида сервис хизматининг ташкил этишининг назарий, ташкилий, иқтисодий асослари ҳали етарлича ўрганилмаган. Шунинг учун қишлоқда турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари шароитида сервисхизматларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий, иқтисодий асосларини яратиш зарурдир.

Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида сервисхизматларини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш йўлида қуйидаги вазифалар ҳал этилди;

- бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш инфратузилмаси тушунчасининг моҳияти ва аҳамияти асослаб берилди;
- қишлоқ хўжалигида сервис хизматларини ташкил этишнинг назарий ва иқтисодий асослари ёритишга ҳаракат қилинди;
- қишлоқда фермер ва деҳқон хўжаликларини сервис хизматлари билан таъминлаш ва малакасини оширишнинг асосий йуналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;
- қишлоқ хўжалигига сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматларини кўрсатувчи корхоналар ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

- бозор иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалигида сервис хизматининг моҳияти, уни қишлоқ иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни, сервис хизматини ташкил этишни назарий ва иқтисодий асосларини ёритиб

берилганлиги;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилмахизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги.

Амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, илмий иш якунида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар қишлоқдаги сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилмахизматларини ривожлантиришда, уларни хизмат кўрсатиш нархлари арзон ва сифатли бўлиши натижасида, қишлоқ иқтисодиётининг иқтисодий самарадорлигини оширишда муҳим ўрин эгалайди.

Битирув малакавий ишнинг предмети. Битирув малакавий ишининг предмети қишлоқ хўжалиги корхоналари билан сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилмахизмати кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги ташкилий ва иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг объекти Тадқиқот объекти бўлиб, мавжуд сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилмахизматларини кўрсатувчи корхоналар, улар билан қишлоқ хўжалиги корхоналари, қишлоқдаги бошқа корхоналар ва ташкилотлар ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Монографик тадқиқот учун мавжуд сервисхизмат кўрсатувчи ташкилотлар танлаб олинди.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши қуйидагича: кириш, асосий қисмда 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий ишнинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, назарий ва услубий асослари, назарий ва амалий янгиликлари ҳамда аҳамияти ўз аксини топган.

Асосий қисмнинг биринчи бобида қишлоқ хўжалигида корхоналарига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар моҳияти, турлари ва хусусиятлари, қишлоқ хўжалигида корхоналарига сервис хизмати кўрсатишни амалга ошириш тартиби ва механизми ўрганилиб, ягона тизимга келтирилган.

Иккинчи бобда қишлоқ хўжалигида сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг ҳозирги ҳолати, қишлоқда хўжалигида сервис хизматининг тутган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари, республика қишлоқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, уларнинг афзаллик ва камчиликларига баҳо берилган.

Учинчи бобда бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигига сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари юзасидан назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари ўз аксини топган.

Хулоса қисмида битирув малакавий иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган хулосалар ва таклифлар берилган.

Адабиётлар шарҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг И.А.Каримовнинг 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. “Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислох этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бориши, бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифаларга мустаҳкам замин яратилганлиги ҳақида сўз юритилган.

Президентимиз томонидан маърузада кенг эътибор қаратилган Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожланишига асос бўлувчи омиллар, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва янгилашни изчил давом эттириш борасида кўлга киритилаётган ютуқлар, устувор йўналишлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида атрофлича ёритиб берилган.

Р.Х.Хусанов, А.Н.Ҳамдамов, И.Э.Рафиқовнинг “Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати, муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари” (Тошкент-2001) рисоласида мамлакатимизда бугунги кунда янги иқтисодий қадамларни ташламоқда, иқтисодиётни бозор йўлига ўтиб бошқаришда турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидаги мустақил фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектлари сонининг ортиши уларга вақтида муқобил МТПлар орқали бажарадиган ишларини арзон ва сифатли ташкил этилишини тақоза этади. Шунинг учун ҳам ушбу рисолада фермер хўжаликларида сервис хизмати кўрсатишни ривожлантириш ҳақида маълумотлар берилган ва таҳлил қилинган.

А.О.Махмудовнинг “�збекистон деҳқончилигида инфратузилма хизматлари кўрсатишни ривожлантириш” (Тошкент-2007) монографияда инфратузилма тизиминингилмий – методологик асослари, аграр ишлаб чиқариш муносибатлари тизимида инфратузилманинг роли, кўп укладли иқтисодиёт шароитида деҳқончилик инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳамда соҳа самарадорлигини ошириш йўллари каби масалалар ёритилган.

Т.Х. Фармоновмуаллифлигида чоп этилган “Фермер хўжалиklarини ривожлантириш истиқболлари“ номли монографияда республикамиз қишлоқ хўжалигида истиқболли хўжалик юритиш шакли сифатида фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва ривожлантиришга бағишланади. Иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналиши сифатида фермер хўжалиklarини бундан буён ташкил этиш ва ривожлантиришнинг объектив зарурлигини белгиловчи омиллар, унинг назарий асослари ва асосий тамойиллари, хўжалиklarнинг барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишлари, қишлоқ хўжалигидаги товар маҳсулоти ишлаб чиқрувчи йирик хўжалик субъекти сифатидаги ўрни иқтисодий кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиниб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларида уларнинг улушини кўпайиш динамикаси ўрганилган.

А. Абдуғаниев, А. А. Абдуғаниевларнинг “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” дарслигида қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини шакллантиришнинг назарий, услубий ҳамда амалий асослари Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида ёритилган. Тармоқда амалга оширилаётган ташкилий ва иқтисодий ислохотларнинг мазмун ва моҳияти Республика Президенти И.А. Каримов асарларига ва амалиётдаги меъерий ҳужжатларга асосланган ҳолда баён этилган. Қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, корхоналар, тармоқларнинг ривожланиши, иқтисодий самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланган ҳолда таҳлил қилиниб, келажакда уларнинг самарадорлиги юксалишини таъминловчи омиллар батафсил кўрсатилган (2004).

Р. Х. Пулатованинг “Агросаноат мажмуасида инфратузилма фаолиятини ташкил этиш” (2006). Ушбу ўқув қўлланма ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, талаб ва таклиф асосида шаклланган хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятдан кенгроқ фойдаланиш, амалда қишлоқ хўжалик корхоналарига кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини янада такомиллаштириш ва ушбу масалаларни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганишга бағишланган. Ўқув қўлланма аграр олийгоҳларнинг иқтисодий ва бошқа йўналишларида таҳсил олаётган бакалавр ва магистрлар, тадқиқотчи ва аспирантлар, ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари, ўқитувчилар ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассислари учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув вазирлиги томонидан АҚШнинг халқора ривожлантириш Агентлиги кўмагида ва Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини қўллаб-қўвватлаш Дастури билан ҳамкорликда тайрланган “Қишлоқ хўжалигида ислохотларин чуқурлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни” (Тошкент-2006) номли китобда қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришда СФУнинг ўрни ва ташкилий асослари, СФУда сувдан фойдаланишни режалаштириш ва ташкил этиш, СФУнинг молиявий бошқаруви, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувида СФУларни аҳамиятига доир материаллар тегишли тартибда берилган.

I. БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА СЕРВИС ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ИНФРАТУЗИЛМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Қишлоқ хўжалигида инфратузилма тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.

Республикамизда қишлоқ хўжалигининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боқлиқ

бўлади. Иқтисодийнинг ривожланишида ундаги ички имкониятлар асосида моддий ишлаб чиқариш жараёнини оқилона ташкил этиш ҳал этувчи омиллардан биридир. Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналарининг самарали фаолият юргизиши ўз навбатида уларнинг ички таъсир доирасидан ташқарида, лекин турли соҳа ва йўналишларда ўзаро алоқадор тармоқ ҳамда муассасаларнинг мавжудлиги, мукамаллиги ва самарали ишлаши билан чамбарчас боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги ривожига қулай имкониятлар яратадиган шарт-шароитлар ичида инфратузилма хизматини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Зотан, моддий ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этувчи, уни ташкил этишда билвосита иштирок этувчи шундай тармоқ ва муассасалар мавжудки, улар моҳиятан инфратузилма тушунчаси ва категорияси тарзида талқин этилади. Инфратузилма тушунчаси дастлаб, ғарб тадқиқотлари томонидан таҳлил қилиниб, ўзининг келиб чиқишига кўра бир неча вариантларда ифодаланган

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши билан уларнинг техник таъмирлаш, агрокимё ва зооветренария, моддий-техника таъминоти, маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш, коммуникация ва алоқа, маҳсулот ва ахборот каби бир қатор хизмат турларига бўлган талаби ортиб бораверади. Чунки фермер хўжаликларига керакли ер майдонини ажратиб бериш ва уларга юридик шахс мақомини бериш билангина иш битмайди. Уларнинг тўлақонли фаолиятини фақатгина мукамал ташкил этилган инфратузилма бўлинмалари орқалигина тасаввур қилиш мумкин.

Инфратузилма – барча иқтисодий тизимнинг таркибий қисмлардан бири бўлиб, ўзининг кўрсатадиган кўп қиррали хизматлари туфайли иқтисодийнинг барча тармоқ ва корхоналарининг ички иқтисодий-ҳуқуқий фаолиятини ташкил этишда асос бўлиб ҳисобланади. И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Инфраструктура комплекси – иқтисодий-тимизнинг бутун структура таянадиган пойдевордир. Республика бутун халқ хўжалик комплекси ишининг уйғунлиги, унинг самарадорлиги, шунингдек, чет эл сармояларининг жалб қилиш ва ўзлаштириш имконияти бутунлай инфраструктура тизими ривожининг ҳолатига ва даражасига

боғлиқдир». Демак, барча ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг умуман олганда бутун бир иқтисодий тизимнинг фаолиятини бир маромда тўхтовсиз ва самарали юргизиш учун уларнинг иқтисодий-ташкилий ва ҳуқуқий шароитларни таъминловчи институтлар тизими мавжуд бўлиши шарт. Бу корхона ва ташкилотлар биргаликда инфратузилмани ташкил этади ва у иқтисодиётнинг тўхтовсиз фаолиятини таъминлайдиган муҳим бўғин ҳисобланади.

Инфратузилма иқтисодий тизимнинг бир бўлагини ташкил қилиб, у ишлаб чиқаришнинг бир маромда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Инфратузилма латинча «Infrastruktura», «инфра» асос, қуйи ва «структура» тузилиш, жойлашиш каби маъноларни англатиб, ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуини англатади ва инфратузилманинг шаклланиши, ривожланиши бевосита, меҳнат тақсимотининг янада чуқурлашуви билан боғлиқ жараёндир. Иқтисодий нуқтаи-назардан инфратузилма моҳиятига қуйидаги изоҳ кўпроқ мос келади: «инсон ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида фаолиятлар алмашинувини таъминловчи товарлар ва хизматлар яратишда ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси».

Инфратузилма моҳияти миллий хўжалик ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий сферанинг умумий шароитини таъминлаш учун хизмат қиладиган соҳалар мажмуасини ифодалайди.

У ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган реализация орқали қишлоқ хўжалигининг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларнинг бўлинмас қисми ҳисобланади. У корxonанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва қишлоқ хўжалигининг пировард маҳсулоти миқдоран кўп ва сифатан юқори бўлишга йўналтиради. Инфратузилма қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва самарадорлигини ўсишининг муҳим омили ҳисобланади. Кўп қиррали хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ривожлантиришбозор иқтисодиётига хос муаммоларни ҳал этишда кенг имкониятлар яратади.

Кейинги йилларда инфратузилма юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари инфратузилмалар ривожидан олдинда бормоқда ва бу иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ғарб иқтисодий адабиётларида бу жараёни «иқтисодиётнинг сервислашуви (инглизча «service» хизмат) деган атама билан номланмоқда. Ишлаб чиқаришнинг сервислашувига қуйидаги омиллар ҳам ўз таъсирини ўтказади: ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, кредит ресурсларига бўлган талабнинг кенгайиши, ИТТ суръатларининг ошиши, ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси, ресурсларни тежашга асосланган ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва бошқалар.

Инфратузилма жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, бу энг аввало ишлаб чиқариш жараёнига комплекс хизмат кўсатадиган хизмат турларини яратиш билан боғланган. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг якуний натижалари нафақат бевосита хўжаликнинг ўз имкониятларига боғлиқ бўлади, балки унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқларининг ривожланиш даражаси ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Инфратузилма бўлинмаларининг ривожланиб боришидан қишлоқ хўжалиги катта манфаат кўради, негаки бу фермерларни ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлардан озод этиб, уларнинг куч-қайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Шу пайтга қадар инфратузилмани **ишлаб чиқариш** ва **ижтимоийинфратузилмалар** йиғиндисидан иборатдир деб қараб келинган. Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизимнинг кириб келиши билан инфратузилманинг кўлами кенгайиб, **«бозор инфратузилмаси»** ва **«институционал инфратузилма»** (1.1.1-чизма) сўзлари истеъмолга кириб келмоқда.

Ишлаб чиқаришинфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади. Унинг таркибига:

- моддий-техника таъминоти;
- махсулотни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш;

- агрокимё ва зооветренария хизмати;
- техник хизмат кўрсатиш;
- сув ва электр таъминоти каби бўлинмалар киради.

Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатмасда, хўжаликнинг умумий фаолиятини таъминлашга хизмат кўрсатади. Масалан, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, молия-кредит тизими, инвестицион ва шу каби бошқа хизмат турлари хўжалик фаолиятининг турли томонлари самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатади.

Институционал инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи соҳалар фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни

1.1.1-чизма

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар тизими

тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқалар киради.

Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини такрор ҳосил қилиш учун, шунингдек фермерларнинг турли маиший хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун хизмат қилади.

Инфратузилманинг ҳар бир тури ҳам фермерлик ривожини учун муҳим аҳамият касб этади, аммо республикамизда фермер хўжаликларини шакллантиришнинг ҳозирги босқичида асосий эътибор шубҳасиз ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини яратиш ва такомиллаштиришга қаратилган бўлмоқи лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хизмат кўрсатишнинг у ёки бу соҳасида корхоналарнинг монопол мавқеини қўлга киритишни инкор этиб, фақатгина соғлом рақобат курашига таяниб ривожланувчи кўп сонли корхоналарнинг вужудга келишининг рағбатлантиради. Шу билан бирга мавжуд инфратузилма тизимлари янгидан шаклланиб келаётган хўжаликларнинг хизмат турларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириши лозим.

Аграр соҳада хўжалик юритишда хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг ўрни ва аҳамияти жуда бекиёсдир. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнларида, яъни ерни экин экишга тайёрлашдан, токи уруғни ерга қадашдан бошлаб, зарур агротехник тадбирларни амалга ошириш, етиштирилган маҳсулотларни йиғиб олиш ва бошқа бўладиган барча жараёнларда турли хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар иштирок этади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигининг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши албатта ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни қанчалик тараққий этганлигига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ҳажмини ошиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожланиши хизмат турларининг кўпайиши билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда нисбатан ривожланган қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар, хусусан техника, агрохимё, мелиорация ва оқар

сув билан таъминлаш, зооветеринария, транспорт, селекция ва уруғчилик, ёқилғи-мойлаш материаллари, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда ихтисослашган банк хизматларини санаб ўтиш мумкин.

Демак, қишлоқ хўжалигида инфратузилма фаолиятини ривожлантириш ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган инфратузилма тизимини яратиш орқали нафақат иқтисодиётда асосий вазифаларни ҳал этиш мумкин, балки энг асосий макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, кўп укладли иқтисодиётни ва ҳақиқий мулк эгасини шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ва валюта бозорини босқичма-босқич эркинлаштириш, самарали меҳнат бозорини шакллантириш ҳамда аҳоли моддий турмуш шароитининг барқарор ўсиши таъминланишига эришиш мумкин.

1.2 Қишлоқда хўжалигида сервис хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилма хизматларининг тутган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, иқтисодий ўсишнинг моддий омиллари ва номоддий шарт-шароитлари бевосита инфратузилманинг жамият ҳаётида муҳимлигини намоён қилади, яъни инфратузилма-миллий иқтисодиётининг базаси ва хўжалик фаолиятини ривожланиши даражасини таъминловчи восита ҳисобланади.

Инфратузилма жамиятнинг барча ривожланиш босқичларида мавжуд бўладиган ишлаб чиқариш муносабатларининг инъикоси ҳисобланиб, икки хил хусусиятга эга. Биринчидан инфратузилма тармоқларини ривожлантирмасдан туриб, иқтисодиётининг барча соҳаларида самарадорликни оширишга эришиб бўлмайди. Иккинчидан, эса инфратузилма тармоқлари фақат уларга ажратган капитал қўйилмалар эгасига эмас, балки иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги корхоналарнинг даромадларини кўпайтиришга ҳам имконият яратиб беради. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг юқори суръатларда ривожланиши инфратузилмага кўп миқдорда капитал маблағлар ажратишни тақозо этади. Бу эса иқтисодиёт барқарор ривожланишининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги даврда инфратузилма жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва номоддий жараёнларни қамраб олган бўлиб, турли-туман молиявий, ижтимоий,

ҳуқуқий, ахборот, экология, бошқарув ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш фаолиятини ўз ичига олади ва ишлаб чиқариш жараёнининг охириги натижасига бевосита таъсир кўрсатади. Инфратузилма ва унинг алоҳида элементлари унинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кўп ҳолларда давлат томонидан ёки бевосита унинг иштирокида ташкил этилади. Чунки инфратузилмага сарф қилинган харажатлар узок муддатга сарф қилинади ва даромад ҳам бир мунча вақт ўтгач олинсада, сарф қилинган сармоялар нафақат бевосита тадбиркорларга, балки турли кўринишларда барча аҳолига қайтади.

Инфратузилма мажмуи иқтисодий муносабатлар тизимида бажарадиган вазифалар, мақсадлари ва фаолият йўналишлари нуқтаи назаридан бир қанча таркибий элементлардан иборат бўлиб, яхлитликда инфратузилма мажмуасини ташкил этади.

Инфратузилма мажмуасига кирувчи соҳалар иқтисодий жараёнларгача турлича таъсир кўрсатади ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан ҳам инфратузилма тармоқларини уларнинг муҳим белгилари жиҳатидан таснифлаш унинг алоҳида элементларининг ва асосий йўналишларининг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнини аниқлашга имконият яратиб беради. Инфратузилма мажмуасининг кенг қамровли хусусиятга эгаллиги бевосита уни аниқ белгиси бўйича таснифлаш имконини бермайди. Бизнинг фикримизча, инфратузилма мажмуини қуйидаги тўртта белги бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Ишлаб чиқариш жараёнига таъсир даражасига бўйича.
2. Ҳудудий жойлашишига кўра.
3. Тармоқ нуқтаи назаридан.
4. Мақсадли фаолият йўналишига кўра.

Бинобарин, бозор иқтисодиёти шароитида жамият миқёсида инфратузилма олтига йўналишида, яъни ишлаб чиқариш, ижтимоий-маиший, институтционал, шахсий, экологик ва бозор муносабатларига мос ҳамда хос равишда ажралиб чиқади ва шаклланади. Бу инфратузилмаларни бир-биридан ажратиш, фарқлаш ҳамда уларнинг асосий моҳиятларини ифодаловчи илмий таърифлаш нафақат

назарий, балки инфратузилма мажмуасининг иқтисодий муносабатлар тизимда тутган ўрнини асослашда муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Моҳият жиҳатидан ишлаб чиқариш, ижтимоий-маиший ва бозор инфратузилмалари моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналари ҳамда жисмоний шахсларнинг мақсадли фаолияти йўналишларини самарали ва тўхтовсиз амалга оширишлари учун хизмат кўрсатувчи субъектлари мажмуидан иборат.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибан моддий истеъмол товарлар, буюмлар ва ноз-неъмат маҳсулотлар яратувчи тармоқ ва корхоналарга тайёрлаш, сақлаш, ўраш, қадоқлаш ёки жойлаштириш, товар-буюм жойланадиган ёки ўраладиган идишлар билан таъминлаш, ташиш, таъминот ва таъмирлаш ҳамда сотиш каби хизматлар кўрсатувчи ва уларнинг тўхтовсиз фаолият юргизиши таъминловчи ташкилот ва корхоналар мажмуасини ташкил этади. Уларнинг асосий характерли ва фарқ қилувчи хусусияти шундан иборатки, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашмайди ва фақат билвосита таъсир этиш асосида такрор ишлаб чиқаришнинг мунтазам ва бир маромда кечиши учун зарурий шарт-шароитлар яратиб беради.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфраструктура тармоқлари объектларини кенгайтириш махсус бир қанча капитал қўйилмалардан ҳамда бошқа ҳар қил манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Бундай капитал қўйилмалар концентрацияси тармоқлараро инфраструктурани қандай олдинга олиб чиқса, ички тармоқ инфраструктурасини ҳам шундай олдинга олиб чиқиши зарурдир. Бу сфера халқ хўжалигининг ички системаси бўлинмаларига боғлиқ бўлган ҳолда алоҳида махсулаштирилган тармоқлардан ташкил топади.

Инфраструктура объектлари синфланиши тармоқлар принципида тўлиқ функционал фаолият характеристикасини бермайди, шунга қарамай халқ хўжалиги нуқтаи назардан қараш муҳим ҳисобланади. Инфраструктуранинг йирик тармоқлари қуйидагилардан иборат: алоқа, транспорт, моддий-техника таъминоти ва тайёрлов системаси. Инфраструктуранинг бундай йирик тармоқлари системаларидан бири транспортнинг иш фаолиятига қараб қуйидаги ички гуруҳларга бўлиш мумкин: темир йўл, денгиз ва дарё портлари, автомобил

йўллари, хаво йўллари ҳамда қувурлар шулар жумласидандир.

Бир қанча муаллифлар инфраструктура тармоқларини яъни моддий-техника таъминоти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш тармоқларини бирлаштириб битта умумий гуруҳ тармоқ, яъни маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўналиши муносабатини таъминлайди деб атайдилар.

Барча юқоридаги кўрсатмалар, инфраструктура тизимидаги тармоқларнинг моддий ишлаб чиқаришга хизмат қилишини таъкидлаб ўтади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфраструктурасини синфлаштиришдан келиб чиқадиган асосий мазмун шуки, бунда бу соҳа асосий ривожланиш йўналишининг ҳар бирини яққол намоён этади ва белгилаб беради.

Дехқончилик ёки чорвачилик соҳаси шаклланишининг орқада қолишига асосий сабаблардан бири қишлоқ хўжалиги техникалари ўғитлар, химикатлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа моддий-техник воситаларни ишлаб чиқаришнинг нотекис ўсиши ҳамда қишлоқ энергетика истеъмолининг кескин ошишидир.

Сўнгги йилларда республикамизда олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида инфратузилма субъектлари босқичма-босқич бозор тамойилларига мос келадиган, сифатли хизмат кўрсатишга ихтисослашган субъектга айлантирилмоқда.

Инфратузилма субъектлари қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини эркинлаштириш даврида нафақат тармоқда бозор муносабатларини ривожлантириш ёки тармоқдаги барча соҳаларни иқтисодий барқарор ривожланишини таъминлаш, балки қишлоқда янги иш ўринларини ташкил қилиш асосида меҳнатга қобилиятли аҳолини доимий иш билан таъминлаш имкониятини яратмоқда.

Қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ислохотларининг олиб борилиши натижасида ўтган даврда жуда катта ютуқларга эришилди десак муболаға бўлмайди. Жумладан, мулк давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди, кўп укладли иқтисодиёт вужудга келди, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпроқ нодавлат сектор зиммасига тўғри келмоқда, қишлоқда

тадбиркорлик фаолиятига катта эркинлик берилди, мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шакллари яратилди, улардан ҳозирда энг истиқболли шакллари, яъни фермер ва деҳқон хўжаликлари деб тан олинди. Қишлоқда мулкдорлар синфи ташкил топди ва ҳ.к.

Қишлоқ хўжалигида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари тўлақонли фаолият юритишлари учун мустақил ҳуқуқий асос яратилди. 1998 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11 сессиясида “Ер Кодекси ҳақида”, “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги ва “Деҳқон хўжаликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.²

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларини чуқурлаштиш йўлида” китобида шундай ёзади: “Инфратузилма комплекси иқтисодиётимизнинг бутун структураси таянадиган пойдеворидир. Республика бутун халқ хўжалиги комплекси ишининг уйғунлиги, унинг самарадорлиги, шунингдек, чет эл сармояларини жалб қилиш ва ўзлаштириш имконияти бутунлайинфратузилма ривожининг ҳолатига ва даражасига боғлиқ”.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида олиб борилган туб иқтисодий ислоҳатлар муқаррар равишда инфратузилмага тааллуқли ташкилот, корхона ва муассасаларини ҳам бозор қонунлари асосида ислоҳ қилиш заруриятини туғдирди, яъни бозор иқтисодиёти қонуниятларига мос ва ўзига хос янги бир инфратузилмани шакллантиришни муқаррар қилиб қўйди.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида тўрт хил шаклдаги инфратузилма шаклланди. Булар:

- бозор инфратузилмаси;
- ижтимоий инфратузилма;
- институционал инфратузилма;
- ишлаб чиқариш тузилмасидир.

Бу тўртала турдаги инфратузилмалар ичида фақатгина ишлаб чиқариш

²Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11- сессияси материаллари. “Халқ сўзи” газетаси, 1998 йил.

инфратузилмасини моддий неъматлар ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этиб қолган шаклдаги инфратузилмалар ишлаб чиқаришда қатнашмайди, балки ишлаб чиқаришнинг умумий шароитини яхшилашга ва кишилар ҳаёт фаолиятини таъминлашга хизмат қилишда намаён бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузлмасига транспорт тизими, йўллар, алоқа воситалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сақловчи омборлар ва бошқалар киради.

Ҳозирги вақда қишлоқ хўжалиги бошқа пировард маҳсулотни ишлаб чиқарувчи соҳаларга нисбатан ишлаб чиқаришдаги ўзига хос техник ва технологик жараёнлар билан хўжалик юритишнинг турли шакллари билан ажралиб туради. Бу фарқлар албатта қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий омилларини табиий иқлим шароитига асосан боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин. Чунки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бошқа тармоқлардан фарқли ўлароқ ер билан, об-ҳаво билан ва табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу омиллар пировард маҳсулот яратишда ҳал қилувчи муҳим роль ўйнайди.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфраструктура тармоқларини таркибий тузилиши 1-расмда кўрсатилган.

1-расм. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфраструктурасини таркибий тузилиши

Унда ишлаб чиқариш инфраструктура тармоқлари 3 та гуруҳга бўлиб кўрсатилган, булар, ўсимликка хизмат кўрсатувчи, чорвачилик соҳасига хизмат кўрсатувчи ҳамда умум ишлаб чиқариш инфраструктураси гуруҳларига ажратилган.

Ушбу чизманинг биринчи гуруҳида, инфраструктуранинг энг йирик ва умум хизмат кўрсатиш тармоқларидан электр, алоқа, йўл ва транспорт хўжаликлари ҳамда ҳар бир соҳа (жумладан, қишлоқ хўжалиги) бўйича, омборхона хўжалиги, моддий техника таъминоти, таъмирлаш ва техник сервис хизматлари кўрсатилган. Иккинчи гуруҳ: қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган ўсимчиликка хизмат кўрсатувчи, агрохимия, рекультивация ва мелиорация фаолиятлари йўналишини ўз ичига олган.

Учинчи гуруҳ: чорвачилик соҳасига хизмат кўрсатувчи ветеринария хизмати яъни, чорва моллари касалланишининг олдини олиш ва даволашга қаратилган хизматларни ўз ичига олади. Бу ерда шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, биринчи гуруҳдаги сақлаш омборхоналари, моддий техника таъминоти ва бошқа кабилар қишлоқ хўжалигининг ўсимчилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш учун ҳам хизмат қилади.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфраструктураси ҳар бир соҳаси алоҳида аҳамиятга эга ҳамда уни ривожлантириш долзарб муаммолардан биридир. Маълумки, қишлоқ қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида жуда кескин ўзгаришлар бўлиб ўтди. Паст рентабелли ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этилган. Аксарият фермер хўжаликларининг турли хизматларга бўлган талаблари кескин ортди. Бунинг бир

қанча сабаблари мавжуд бўлиб, шулардан энг асосийси, фермер ўз техника воситаларига эга эмаслигидир.

Республика қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўналишларидан бири ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантиришдир. Ишлаб чиқариш инфраструктурасининг айрим турлари тармоқлараро характерга эга, булар эса ўз навбатида бутун халқ хўжалиги фаоляитининг асосий йирик бўғинларини таъминлайди. Бундай характердаги инфраструктура тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш халқ хўжалиги барча жабҳаларидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказиб беришгача бўладиган жараёнлардаги узлуксизликни таъминлаш омилидир. Инфраструктурасининг бундай тармоқларига қуйидагилар киради: йўл хўжалиги, арча турдаги транспортлар, электр узатиш тармоқлари ва алоқа системалари. Бу ерда бош магистрал йўллар нафақат қишлоқ хўжалиги учун, балки улар саноат, қурилиш тармоқлари ва бошқа барча соҳалар учун ҳам хизмат қилади. Худди шунингдек, темир йўл транспорти ёки электр қувватини узатиш тармоқлари ва алоқа системалари ҳам халқ хўжалигининг барча соҳалари учун хизмат қилади. Инфраструктура тармоқларига ички хўжалик характери нуқтаи назардан ёндашиш ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган яъни хизмат кўрсатадиган қисмини ажратиб олиб қаралса, хўжаликларнинг маҳсулот ишлаб чиқариши фаолятида нечоғлик таъсир этишини ва аҳамиятини кўриш мумкин.

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, ишлаб чиқариш инфраструктурасининг ҳар бир тармоғи ўз вазифаси ва моҳияти жиҳатдан аҳамиятлидир.

Қишлоқ хўжалиги инфраструктурасини ташкил этиш, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан ўзига хос-хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Давлатнинг назорати ва тартибга солиб туриши.
2. Территориал таркибий жойлашуви.
3. Мавсумийлик хусусияти.
4. Молиялаштирилиши.

5. Давлат томонидан имтиёзларнинг берилиши.

6. Турли хўжалик шакллари учун моддий техника таъминоти.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфраструктураси объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг энг муҳим хусусиятларидан бири моддий-техника таъминоти ҳисобланади. Маълумки, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг техника хизматига бўлган талаби жуда юқори ҳисобланади. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг турли хил хўжалик юритиш шаклларида фаолият кўрсатиб келмоқда, улар ичида фермер хўжаликлари сони кескин ошиб бормоқда. Фермер хўжаликларнинг аксарияти ўзига керакли бўлган техникаларни сотиб олишга имконияти етишмайди ва айримлари учун сотиб олинган техникалар ҳам яхши самара бермайди. Шунинг учун барча турдаги хўжаликларнинг техника хизматига бўлган эҳтиёжларини ўрганиб чиққан ҳолда, моддий-техника таъминотидаги кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш ва тўғри ташкил этиш керак. Мулкчиликнинг турли шаклида фаолият кўрсатаётган ҳамда халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарида, ишлаб чиқариш инфраструктура объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ушбу хусусиятлари ҳисобга олинганда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. БОБ.ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА СЕРВИС ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ИНФРАТУЗИЛМА ТИЗИМИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Қишлоқда хўжалигида сервис хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилма хизматларининг ҳозирги ҳолати таҳлили

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси аграр индустриал мамлакат бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳаси иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллайди. Чунки мамлакат валюта тушумининг 55 фоизи, товар алмашувининг 70 ва аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоиз, саноатнинг ҳомашёга бўлган талабининг 60-62 фоизи шу тармоқда яратилади. Қолаверса, мамлакат аҳолисининг 60 фоизи қишлоқда яшайди. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда иқтисодий ислохотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишида бошланди.

Республикада давлат бош ислохотчи сифатида инфратузилма субъектларини босқичма-босқич ривожлантириш борасида муҳим қонунлар, Республика Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бу борада Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 августдаги 344-сонли «Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш Давлат Дастури тўғрисида»ги қарорида инфратузилма субъектларини ривожлантириш масалалари алоҳида бўлимга ажратилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада энг йирик ва узоқ муддатга мўлжалланган режаларни ўз ичига олган ҳужжат ҳисобланиб, Республикада хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдириш мақсадида хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, жумладан, хизматлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш асосида 2012 йилгача уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;

- 2011-2012 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 1,6 мартага кўпайтириш;

- қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;

- анъанавий хизмат турлари билан бир қаторда, янги истиқболли-юримдик, камуникатция, банк, молия, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

- хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб қувватлашни амалга ошириш белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар миқёсида 2012-2013 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва ҳар бир фуқарони, айниқса, қишлоқ жойларидаги фуқароларни сифатли хизматлар билан таъминлаш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди. Мазкур дастурларда анъанавий хизмат турларини кенгайтириш ва янгиларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш орқали бу соҳада аҳоли бандлиги даражасини ошириш бўйича чоралар кўзда тутиши белгиланди.

Қарорда қишлоқ хўжалиги тармоғида амалга ошириладиган алоҳида махсус

бўлим бўлиб, унда:

- янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликларига МТП хизматини кўрсатишни яхшилаш, бунинг учун 2012-2013 йилларда 812 та МТП ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва МТП лар учун лизинг асосида 15 минг дона қишлоқ хўжалик техникалари етказиб беришни кўзда тутиш;

- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига сувдан фойдаланиш тизими хизматларини ривожлантириш мақсадида 2011-2012 йилларда 596 та СИУ ташкил этиш, 2013 йилга бориб эса СИУлар сонини 1600 тага кўпайтириш, сувдан фойдаланишда 10 фоиз сувни иқтисод қилишга эришиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш, уларни нобудгарчилигини камайтириш мақсадида қўшимча равишда тайёрлов пунктлари ҳамда қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган инфратузилма субъектларини қишлоқ туманларининг ихтисослашуви, фермер хўжаликларининг сонига нисбатан таққосласак, улар сон жиҳатидан талабга жавоб бериши мумкин, аммо ўтиш даври талабларини ҳисобга олиб уларнинг моддий-техника таъминоти, кўрсатилаётган хизмат ва таъминот соҳасидаги фаолиятлари фермер хўжаликларининг талабларига жавоб бермайди.

Худди шунингдек, кўпчилик фермер хўжаликлари раҳбарларининг касбий даражасини пастлиги, хўжаликни истиқболда ривожлантириш стратегиясининг йўқлиги ва хўжаликнинг молиявий ҳолатининг нисбатан паст даражадалиги инфратузилма субъектлари талабларига ҳам жавоб бермайди.

Демак, маҳаллий ҳокимият, тармоқ вазирликлари, қолаверса ҳукумат даражасида фермер хўжаликлари билан мутаносиб равишда инфратузилма субъектлари фаолиятини ривожлантириш стратегик Дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилиниши зарур.

Республикамиз бўйича 2014 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, республикамизда 1171 та мини банк, 1357 та ёқилғи-мойлаш материалларини тарқатиш шахобчаси, 1641 та муқобил МТП, 1510 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 904 та минерал ўғитларни тарқатиш шахобчаси, 2591 та зотли молларни

сотиш ва зооветеринария хизматини кўрсатиш шахобчалари, 341 та ахборот таъминоти ва камункатция хизматини кўрсатиш шохобчаси, 143 та тара идиш ва қадоклаш шахобчалари, 115 та транспорт хизмати кўрсатиш шохобчаси ва 195 та агрофирмалар ташкил этилди (2.1.1-жадвал).

Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари тўғрисида жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2014 йилда 2010 йилдан нобатан фермерларга хизмат кўрсатадиган мини банклар сони 130,8 фоизга, муқобил МТПлар сони 105,0 фоизга, сувдан истемолчилари уюшмаси 118,8 фоизга, ЁММ сотиш шохобчалари 122,3 фоизга, зооветеринария пунктлари 6,8 мартага, транспорт хизмати кўрсатиш шохобчалари 149,4 фоизга ва тараидиш материаллари тайёрлаш шохобчалари 195,9 фоизга ошган.

Ахборот-камункатция хизмати кўрсатиш шохобчалари 24 тага кўпайган. Лекин минерал ўғитлар сотиш шохобчалари 86,0 фоизга ёки 147 тага, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш шохобчалари 59,5 фоизга ёки 235 тага камайган.

2.1.1-жадвал.

Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари

Инфратузилма объектлари	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014 йил. 2010 й.га нис. %
Мини банк	895	1207	1094	1180	1171	130,8
Муқобил МТП	1562	1779	1777	1681	1641	105,0
Минерал ўғитлар сотиш шохобчаси	1051	891	928	917	904	86,0
Сувдан истеъмолчилари уюшмалари	1271	1676	1676	1487	1510	118,8
ЁММ сотиш шохобчаси	1110	1340	1373	1366	1357	122,3
Қ-х маҳсулотлари сотиш шохобчаси	581	443	424	420	346	59,5
Зооветеринария пунктлари	381	2180	2278	2596	2591	680,0
Ахборот-Камункатция хизмати кўрсатиш шохобчалари	317	295	300	318	341	107,6

Транспорт хизмати кўрсатиш шахобча аси	77	82	82	85	115	149,4
Тарадиш материаллари тайёрлаш шахобчалари	73	78	78	78	143	195,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар етказиб бериш мақсадида ташкил этилган маҳаллий шахобчаларни камайиши, кимёвий маҳсулотларни сотиш шахобчалари фаолияти монополь доирасида иш юритишга олиб келмоқда. Демак ушбу тизимда кимёвий воситалар минерал ўғитлар, дефолионлар, гербидцит, пестизид ва бошқа кимёвий препаратлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш тизими фаолиятида салбий ўзгариш юз берган. Шунингдек белгиланган лимит доирасидаги кимёвий маҳсулотлари танқислиги қишлоқ хўжалиги корхоналарига ўз вақтида етиб бормаслиги қишлоқ хўжалиги экинларига агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга тўсиқ бўлмоқда. Натижада қишлоқ хўжалиги корхоналари мазкур соҳа хизматларидан фойдаланишда муаммога кўпроқ дуч келмоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига сервис хизмати кўрсатувчи инфратузилма объектларини республика вилоятлари кесимида 2014 йил 1 январь ҳолати тўғрисида маълумотни таҳлили қўйидаги 2.1.2-жадвалда келтирилган.

Сўнгги йилларда ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини жадаллик билан ташкил қилиниши натижасида ишлаб чиқариш инфратузилма субъектларини ҳам ташкил қилиш ва улар фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича муайян ижобий тадбирлар амалга оширилди ва бу омиллар қишлоқ хўжалигида ижобий ютуқларга эришилишига сабаб бўлмоқда. Фикримизча, қишлоқ хўжалигига сервис хизмати кўрсатувчи инфратузилма фаолиятини такомиллаштириш учун аввало тажрибали, малака жиҳатидан етук мутахассислар билан таъминланиши; қолаверса, улар қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини

ривожлантириш учун иқтисодий-молиявий йўналишдаги билимга қодир бўлишлари, ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтиришлари; тадбиркорлар ва бошқа тоифадаги мутахассисларнинг малакасини оширишга кўмаклашишлари мақсадга мувофиқдир.

2.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси вилоятларида сервис хизмати кўрсатувчи инфратузилма объектлари (2014 йил 1 январь ҳолатига)

13	Худудлар	Жами муқобил МТПлар	СИУлар	ЁММ сотиш шаҳоблари	Минерал ўғит сотиш шаҳобчалари	Мини банклар	Зооветеринария хизмати шаҳоблари	Консалтинг ва маркетинг хизмати тармоқлари	Транспорт хизмати шаҳобчалари	Тараққиёт тармоқлари
1	Қорақалпоғистон Р	132	128	127	103	103	125	14	1	6
2	Андижон	185	109	100	58	29	192	12	13	25
3	Бухоро	104	128	80	76	72	215	38	7	16
4	Жиззах	5	119	122	17	96	146	12	1	1
5	Қашқадарё	194	148	177	126	210	295	35	6	5
6	Навоий	17	57	54	29	35	81	15	1	1
7	Наманган	135	143	67	29	48	140	12	11	8
8	Самарқанд	241	36	121	89	179	434	43	16	9
9	Сурхондарё	126	151	75	59	57	279	25	7	7
10	Сирдарё	57	105	92	51	37	80	0	6	1
11	Тошкент	191	148	122	97	145	203	18	14	16
12	Фарғона	148	124	111	78	61	223	82	31	47
13	Хоразм	106	114	109	92	99	178	35	1	1
	Республика бўйича	1641	1510	1357	904	1171	2591	341	115	143

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

Аmmo, шу билан биргаликда қишлоқ хўжалиги корхоналарини сервис хизмати кўрсатиш тизимининг талабларга жавоб бермаслиги, хизматлар турлари, сифати ва баҳоларининг номутаносиблигида намаён бўлмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техника ресурслари билан таъмин этиш соҳасининг эркин бозорда ишлашга мослашиши секин кечаётганлиги ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсиш суръатлари пасайишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, республика Президенти масаланинг муҳимлигини таъкидлаб, “Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналариларга хизмат кўрсатиш уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини ривожланиш жараёнини янада тезлаштириш зарур”лигини устивор вазифа сифатида илгари сурмоқда.

Бундай вазифа соҳага илм-фан ютуқларини кенг жорий қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда янги технологияларни қўллаш республикадааграр соҳани тараққий эттиришга қаратилган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бирисифатида белгиланишини талаб қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу масалада тўхталар экан, **“...модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Холбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексда техник ва технологик янгилаш ишларини амалга ошириш”** лозимлигини алоҳида таъкидлаган.

Илмий адабиётларда таъкидланишича, модернизация деганда бирон-бир объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни замон талаблари ва меъёрлари, техник шартларига мослаштириш тушунилади.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мамлакатимизда, шунингдек, илғор хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган, жаҳон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражасини тубдан ошириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш биланбевосита боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминоти даражаси ва уларга хизмат кўрсатиш соҳаси ишлари таҳлиллари кўрсатишича, кўп ҳолларда қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатилаётган хизматлар ва моддий-техника таъминоти тизими фаолияти қониқарли аҳволда эмас (2.1.3-жадвал). Мавжуд таъминот ва хизмат кўрсатиш тизими билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар бозор талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

2.1.3-жадвал.

Фермер хўжаликларини моддий техника – таъминоти таҳлили
(2013 йил ҳолати).

№	Кўрсаткичлар	сони
1.	Комбайнлар	1620
2.	Тракторлар	33714
3.	Прицеплар	14529
4.	Плуглар	4861
5.	Чигит экиш сеялкалари	5446
6	Дон экиш сеялкалари	6200
7	Чизеллар	6747
8	Бошқа қишлоқ хўжалик машиналари	3265

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

Бугунги кунда республикада мавжуд тракторлар, прицеплар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари етарли даражада эмас. Ёки, масалан, чигит экиш сеялкалари сони жиҳатидан етарли миқдорда бўлиши билан бирга, уларнинг 20фоизи 15 йилдан, 21 фоизи 20 йилдан ортиқ муддатда, ғўза қатор орасига ишлов беришга мўлжалланган культиваторларнинг 22 фоизи 15 йилдан, 29 фоизи 20 йилдан ортиқ муддатда фойдаланиб келинаётганлиги, озуқа экинларини йиғиб олишда механизация даражаси 50 фоизни, боғдорчиликда 40 фоизни ва сабзавотчиликда 35 фоизни ташкил қилаётганлиги қишлоқ хўжалигида модернизациялаш, техника таъминотини янада яхшилаш, техник ва технологик

жиҳатдан янгилашнақадар зарур эканлигини кўрсатиб турибди.

Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли қарори қабул қилинди.

Модернизация дастурлари доирасида қишлоқ хўжалигида лизинг асосида етказиб берилаётган янги русумдаги техникалар жумладан, юқори унумли ҳайдов ва чопиқ тракторлари, ғалла ва маккажўхори ўриш комбайнлари, пахта экиш сеялкалари ва чеканка қилувчи агрегатлар сони 2013 йилда 2010 йилга нисбатан қарийб 2,2 марта кўпайган.

Республика бўйича 2013 йилда жами янги харид қилинган 6654 донадан ортик қишлоқ хўжалиги техникаларининг 70 фоизини лизинг асосида етказиб берилган техникалар ташкил қилмоқда

Бироқ, 2013 йилда ғўза вегетацияси даврида агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришда йўл қўйилган камчиликлар, айниқса бегона ўт босиши, зараркунандалар кўпайиши, кечикиб ёки сифатсиз культивация қилиниши туфайли кутилган ҳосил олинмаганлиги жорий йилдаги сервис хизматини амалга оширадиган ишларни пухта ўйлаб режалаштиришни тақозо қилади.

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2013 йилда республика бўйича жами 37941 нафар пахта етиштирувчи фермер хўжаликларининг 8691 нафари ёки 22,8 фоизи (пахта экин майдонларининг 23,8%), ҳар бир гектардан 10-20 центнер ҳосил олишган. Бундай жуда паст ҳосил олишган фермер хўжаликлари айниқса Қорақалпоғистон Республикасида жуда катта салмоққа эга (43,4%). Сизга маълум бундай ҳосилдорлик билан фермер хўжаликлари албатта зарар билан йилни яқун қилишади.

Пахтачиликда белгиланган ҳосилнинг олинмаслиги, ишлаб чиқаришнинг зарар билан яқунланишига маҳсулот етиштиришда чигитни оптимал муддатларда экиш, белгиланган илмий меъёрлар асосида озиклантириш, ўз вақтида дефолиация қилиш каби энг оддий агротехник тадбирларни талаб даражасида

базармасликдан тортиб, то ресурс тежамкор технологияларни жорий этишга етарли эътибор берилмаслиги, моддий-техника ресурсларидан ҳисоб-китобсиз фойдаланилаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизими олимлари ва мутахассислари томонидан кўп йиллик тажрибалар асосида аниқланган қуйидаги кўрсаткичларга эътибор қаратмоқчиман:

- чигит экишнинг ўз муддатида ўтказилмасдан ғўза ниҳолларининг кеч униб чиқиши ҳосилдорликни ўртача -3-4 ц/гача;

- тупроқда нам сақлаш учун бороналаш тадбирларини ўтказилмаслик ўртача 3-4 ц/гача;

- чигит экишдан олдин тупроқнинг юмшатишмаслиги ва мола билан текислаш тадбирлари ўтказилмаслиги -2 ц/гача;

- умумий чигит экишдан олдин майдондаги кесакларни майдалаб тупроқни экишга тайёрлашмаслик ўртача -8 ц/гача;

- чигит экишдан олдин илмий асосланган муддат ва меъёрларда минерал ўғитлар билан озиклантирмаслик - 2,5 ц/гача;

- ғўзани озиклантиришни барча турдаги минерал ўғитлар билан 1 июлгача тугатмаслик натижасида -10 ц/гача камайишига олиб келиши мумкин.

Ушбу рақамлардан кўришиб турибдики, пахтачиликда ёки умуман қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, кўп жиҳатдан фермер хўжаликларига кўрсатилаётган сервис хизматлар сифати ва муддатларига боғлиқ бўлади. Шу боисдан фермер хўжаликларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда инфратузилма объектларини ривожлантириш зарур.

Айни пайтда республика бўйича уруғлик чигит сарфи камайиб бораётганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш лозим. Жумладан, 1997 йилда жами 180 минг тонна уруғлик чигит сарф қилинган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 83 минг тоннани ташкил қилиб, (2,2 марта камайган), ўртача бир гектарга уруғик сарфи 123 килограммдан 54 килограммга камайган.

Бунинг асосий сабаби сифатида бир қатор муқобил МТПларда замонавий

чигит экиш сеялкаларидан фойдаланилаётганлигини кўрсатиш мумкин. Бу ҳам қишлоқ хўжалигига янги техника ва технологияларни жорий этишнинг бир йўналишидир.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, пахта етиштиришда ер тайёрлашдан тортиб, то ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар моддий-техника ресурсларидан ҳисоб-китоб асосида фойдаланиш, ресурс тежамкор технологияларни жорий қилиш ҳар бир агротехник тадбирни илмий тавсиялардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш, албатта, тармоқ рентабеллик даражасини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПФ-4478-сонли Фармони асосида қишлоқ жойларида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш, улар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ва сервис хизматлари шохобчаларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш дастури қабул қилинган (2.1.4-жадвал).

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ДАСТУРГА асосан сервис хизматлари кўрсатиш бўйича лойиҳаларни бажарилиши тўғрисида маълумотни таҳлил қилсак, сервис хизматлари кўрсатишни ташкил этадиган фермерлар сони 5405 та режалаштирилган бўлиб ҳақиқатда 5436 та ёки 100,6 фоизга бажарилган. Сервис хизматлари кўрсатишни ташкил этиш бўйича лойиҳалар сони режада 7126 тани, амалда эса 7176 тани ,ёки 100,7 фоизга бажарилган. Жами талаб этиладиган маблағ 195222 млн. сўмни ёки режага нисбатан 96,7 фоизни ташкил этади. Натажада яратиладиган янги иш ўринлари сони 17354 таниташкил этган.

Қишлоқ жойларида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш, улар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ва сервис хизматлари

шохобчаларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш қўйидаги 2.1.5-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши фаолиятини ва кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳамда сервис хизматлари кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш объектлари тармоқларини ривожлантириш бўйича комплекс тадбирларамалга ошириб борилмоқда.

Таҳлил натижаларига кўра 2014йил 1 январ даври ҳолатига Республика бўйича 18157 та (йиллик режага нисбатан 100%) фермер хўжаликлари томонидан қўшимча ишлаб чиқариш ва сервис хизматлар ташкил этилган бўлиб, жами 90 128 та янги иш ўринлари яратилди. Шу жумладан, 5705 та сервис хизматлари кўрсатиш ҳамда 126 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

2.1.4-жадвал

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ДАСТУРГА асосан сервис хизматлари кўрсатиш бўйича лойиҳаларни бажарилиши тўғрисида маълумот

№	Худудлар	Сервис хизматлари кўрсатишни ташкил этадиган фермерлар сони			Лойиҳалар сони			Жами талаб этиладиган маблағ млн. сўм.			Банк кредити ҳисобидан, млн. сўм.			Ўз маблағи ҳисобидан, млн. сўм			Яратиладиган янги иш ўринлари		
		режа	амалда	фоиз, (%)	режа	амалда	фоиз, (%)	режа	амалда	фоиз, (%)	режа	амалда	фоиз, (%)	режа	амалда	фоиз, (%)	режа	амалда	фоиз, (%)
1	Қора қалпоғистон Республикаси	228	228	100,0	373	378	101,3	6694	6031,2	90,1	1826,0	960,0	52,6	4868	5071,2	104,2	625	630	100,8
2	Андижон	453	456	100,7	507	507	100,0	18462	18462	100,0	6054,0	6054,0	100,0	12408	12408,0	100,0	1631	1631	100,0
3	Бухоро	391	391	100,0	530	530	100,0	16236	16252	100,1	4718,9	4733,9	100,3	11517	11517,6	100,0	1119	1119	100,0
4	Жиззах	233	233	100,0	280	280	100,0	5912,5	6037	102,1	1207,2	1232,2	102,1	4705	4804,3	102,1	441	441	100,0
5	Қашқадарё	485	485	100,0	485	485	100,0	13519	10467	77,4	6135,0	2607,0	42,5	7384,0	7860,0	106,4	1365	1369	100,3
6	Наманган	224	224	100,0	239	260	108,8	5310	6679	125,8	2874,0	2715,5	94,5	2436	3963,0	162,7	525	603	114,9
7	Навоий	128	128	100,0	128	128	100,0	1337	1324	99,0	528,4	379,7	71,9	808	944,1	116,8	334	334	100,0
8	Самарканд	769	795	103,4	1174	1208	102,9	33505	32430	96,8	5577,0	2585,0	46,4	27928	29845,0	106,9	2932	3036	103,5
9	Сурхондарё	204	205	100,5	386	392	101,6	7088	5411	76,3	2427,0	506,0	20,8	4661	4905,0	105,2	729	741	102

10	Сирдарё	637	637	100,0	679	679	100,0	15622	15964	102,2	2869,0	2340,3	81,6	12753	13623,7	106,8	2015	2032	100,8
11	Фарғона	157	157	100,0	246	246	100,0	10691	10691	100,0	1265,0	311,0	24,6	9426	10380,0	110,1	867	868	100,1
12	Тошкент	701	702	100,1	928	910	98,1	34287	34113,1	99,5	8085,5	8085,5	100,0	26201	26027,6	99,3	2188	2192	100,2
13	Хоразм	795	795	100,0	1171	1173	100,2	33207	31362	94,4	5059,0	1264,0	25,0	28148	30098,0	106,9	2329	2358	101
	Жами	5405	5436	100,6	7126	7176	100,7	201870	195222	96,7	48626,0	33774,1	69,5	153244	161447,5	105,4	17100	17354	101,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида

2.1.5-жадвал

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Дастурга асосан жами лойиҳаларни бажарилиши тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Худудлар	Жами қўшимча ишлаб чиқариш ва хизматлар ташкил этадиган фермерлар сони			Жами талаб этиладиган маблағ млн. сўм.			Ўз маблағи ҳисобидан, млн. сўм			Яратилдиган янги иш ўринлари		
		режа	амалда	фоиз, (%)	режа	амалда	фоиз, (%)	режа	амалда	фоиз, (%)	режа	амалда	фоиз, (%)
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 654	1 627	98,4	55 100,5	37 381,3	67,8	29 481,7	28 768,6	97,6	12 802	12 682	99
2	Андижон	1 038	1 047	100,9	44 553,1	44 235,1	99,3	27 793,1	27 575,1	99,2	3 742	3 746	100,1
3	Бухоро	1 219	1 220	100,1	53 665,4	52 763,8	98,3	31 355,8	30 620,0	97,7	4 588	4 593	100,1
4	Жиззах	1 051	1 051	100,0	41 075,1	41 640,9	101,4	19 761,1	20 146,0	101,9	11 147	11 149	100
5	Қашқадарё	1 792	1 839	102,6	89 631,2	66 423,2	74,1	42 786,0	43 265,0	101,1	8 243	8 363	101,5
6	Наманган	1 006	1 006	100,0	20 513,3	22 859,3	111,4	12 502,7	15 956,1	127,6	3 115	3 265	104,8
7	Навий	574	574	100,0	23 380,8	23 409,2	100,1	11 226,8	11 551,9	102,9	2 945	2 952	100
8	Самарқанд	2 130	2 223	104,4	84 593,0	90 991,0	107,6	53 330,0	63 124,0	118,4	7 725	8 116	105,1
9	Сурхондарё	1 336	1 347	100,8	35 748,5	29 602,0	82,8	20 484,0	21 044,5	102,7	4 286	4 317	100,7
10	Сирдарё	1 378	1 408	102,2	44 769,7	41 698,9	93,1	23 240,4	40 731,4	175,3	5 391	5 516	102,3
11	Фарғона	892	892	100,0	47 457,8	46 019,7	97,0	32 541,9	41 267,2	126,8	3 754	3 824	101,9
12	Тошкент	2 240	2 257	100,8	95 201,4	87 927,4	92,4	64 671,0	66 288,1	102,5	12 018	12 062	100
13	Хоразм	1 841	1 855	100,8	70 748,8	62 697,2	88,6	51 672,2	56 260,2	108,9	10 244	10 346	101,0
	Жами	18 151	18 346	101,1	706 438,6	647 649,0	91,7	420 846,7	466 598,1	110,9	90 000	90 931	101,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида

қайта ишлаш объектлари тармоқларини ривожлантириш бўйича кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Муқобил машина трактор парклари (ММТП), Сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ), Ёқилғи қуйиш, Минерал ўғитларни сотиш шаҳобчалари,

Минибанклар, зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизмати, консалтинг ва маркетинг хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш, транспорт хизмати ҳамда тара идишлар тайёрлаш ва қадоклаш шаҳобчаларининг фаолиятларини янада ривожлантириш, фермер хўжаликлари билан таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ва тайёрлов корхоналари ўрталаридаги ўзаро шартномавий муносабатларни таҳлил қилиш ва уларни тенг ҳуқуқли асосида иш олиб боришларини (2.1.6-жадвал) таҳлил қилинди.

Қишлоқда инфратузилма объектлари томонидан фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш аҳволи ва натижадорлиги юзасидан ўрнатилган мониторинг натижаларига кўра 2013 йил якунида 1641 та муқобил МТПлар 55,9 млрд. сўмлик 19642 та, 1508 та сув истеъмолчилари уюшма (СИУ)лари 49,9 млрд. сўмлик 51903 та, 1357 та ЁММ сотиш шохобчалари 531,6 млрд. сўмлик 44524 та, 904 та минерал ўғит сотиш шохобчалари 756,5 млрд. сўмлик 45715 та, 1171 та мини банклар 2111,1 млрд. сўмлик 30811 та, 2591 та зооветеринария хизмати кўрсатиш шохобчалари 9,5 млрд. сўмлик 5765 мингта, 341 та консалтинг ва маркетингхизматлари кўрсатиш тармоқлари 2549 млн. сўмлик 48888 та фермер ҳамда деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатиш юзасидан шартномалар тузилган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида тузилаётган шартномаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин; биринчи гуруҳ-қишлоқ хўжалиги корхоналари ички хўжалик фаолияти билан боғлиқ шартномаларни, иккинчи гуруҳга қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарининг турли хизматлар кўрсатиш, моддий техника таъминоти ва маҳсулот сотиш билан боғлиқ ташқи шартномалар. Айнан иккинчи гуруҳга кирувчи шартномалар ҳозирда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида асосий ўринни эгалламоқда.

2.1.7-жадвал

2013 йил моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича тузилган шартномаларнинг бажарилиши тўғрисида 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига бўлган

М А Ё Л У М О Т

Т/р	Худудлар номи	Тузилган шартномаларнинг бажарилиши Минерал ўғит (жами)				шу жумладан: Азотли			
		тузилган шартнома	шартном а миқдори	бажари-	фоиш	тузилган шартном а	шартнома миқдори	бажари-	фоиш
				лиши				лиши	
<i>a</i>	<i>b</i>	сони <i>1</i>	тонна <i>2</i>	тонна <i>3</i>	% <i>4</i>	сони <i>5</i>	тонна <i>6</i>	тонна <i>7</i>	% <i>8</i>
1.	Қорақалпоғистон Респ.	2917	28168	31056	110,3	2917	21638	24261	112,1
2.	Андижон	3054	41678	40038	96,1	3054	30780	30798	100,1
3.	Бухоро	2933	46802	52447	112,1	2933	35238	39638	112,5
4.	Жиззах	4328	37730	36459	96,6	4328	29213	29147	99,8
5.	Қашқадарё	5031	62112	59248	95,4	5031	47640	45987	96,5
6.	Навоий	1250	16935	17468	103,1	1250	12528	13395	106,9
7.	Наманган	2720	35672	37403	104,9	2720	26259	27734	105,6
8.	Самарқанд	5926	39707	38948	98,1	5926	29056	29741	102,4
9.	Сурхондарё	3308	44691	44479	99,5	3308	34310	34335	100,1
10.	Сирдарё	3102	37697	39724	105,4	3102	28148	30354	107,8
11.	Тошкент	4343	38199	38365	100,4	4343	29611	30442	102,8
12.	Фарғона	4089	47855	47084	98,4	4089	35691	35518	99,5
13.	Хоразм	2214	31516	34104	108,2	2214	23548	25414	107,9
Жами		45215	508762	516823	101,6	45215	383660	396764	103,4

жадвал давоми

Т/р	Худудлар номи	Тузилган шартномаларнинг бажарилиши	
		Ўқилғи-мойлаш материаллари	Механизация хизмати (МТН)

а	б	тузилган шартнома	шартнома миқдори	базари- фоиз	лиши	тузилган шартнома	шартнома миқдори	базари- фоиз	лиши		
		сони	тонна	тонна		%	сони	млн.сўм		млн.сўм	%
		17	18	19		20	21	22		23	24
1.	Қорақалпоғистон Рес.	2910	27747	27785	100,1	2055	3437	3640	105,9		
2.	Андижон	2910	30159	31154	103,3	1921	13411	13517	100,8		
3.	Бухоро	2834	29717	31039	104,4	2933	13779	13849	100,5		
4.	Жиззах	4494	32512	34802	107,0	3078	13401	13764	102,7		
5.	Қашқадарё	5031	48658	49646	102,0	8030	35784	36458	101,9		
6.	Навоий	1213	13036	13125	100,7	799	6585	6796	103,2		
7.	Наманган	2734	18886	20539	108,8	2401	10117	10482	103,6		
8.	Самарқанд	5572	29621	31781	107,3	5075	16037	16219	101,1		
9.	Сурхондарё	3353	31272	32082	102,6	2971	15999	16154	101,0		
10.	Сирдарё	3102	29406	29799	101,3	3023	8038	8217	102,2		
11.	Тошкент	4036	30146	30259	100,4	4177	9376	9612	102,5		
12.	Фарғона	3870	29198	29960	102,6	3019	22845	23750	104,0		
13.	Хоразм	2214	23827	23907	100,3	1137	2950	3028	102,6		
Жами		44273	374185	385878	103,1	40619	171759	175486	102,2		

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида

Таҳлиллар кўрсатишича қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартномалар юзасидан кўрилган низолар кўпчилиги;

-ўғитлар ва кимёвий воситалар етказиб бериш борасидаги шартнома шартлари бажарилмаслиги натижасида;

-нефт маҳсулотлари етказиб бериш борасида тузилган шартномалар

бажарилмаслиги натижасида;

-қишлоқ хўжалиги корхоналари маблағининг қишлоқ хўжалиги корхоналари розилигисиз банклар томонидан турли ташкилотларга ўтказилиши натижасида;

-пахта тозалаш корхоналари томонидан тузилган шартнома мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги корхоналарига тегишли пахтадан олинган техник чигитлар қайта ишлаш заводларига ўтказиб бермаганликлари;

-давлат эҳтиёжи учун етиштирилган маҳсулотга тўловлар ўз вақтида амалга ошмаслиги натижасида пайдо бўлмоқда. Шунингдек аксарият шартномалар бажарилмаслиги қишлоқ хўжалиги корхоналарилартомонидан судларга шикоят қилинмасдан қолиб кетади

Таҳлил натижаларига кўра 2013 йил муқобил МТП лар томонидан 54,2 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилиб, 50,7 млрд. сўми ёки 90,2 фоизи ундирилган, СИУлар томонидан 39,9 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилиб, 23,4 млрд. сўми ёки 58,8 фоизи ундирилган, зооветеринария хизмати шохобчалари томонидан 9,8 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилиб, 100 фоиз ундирилган, консалтинг ва маркетинг хизмати тармоқлари 2,5 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилиб, 2,3 млрд. сўми ёки 92 фоизи ундирилган, шунингдек, 531,6 млрд. сўмлик жами 361,9 минг тонна ёқилғи-мойлаш материаллари ва 756,5 млрд. сўмлик минерал ўғитлар хўжаликларга етказиб берилди. Минибанклар томонидан 2111,1 млрд сўмлик хизматлар кўрсатилган.

Инфратузилма объектларида дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг аҳволи ва уларни камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида мунтазам равишда иш олиб борилган. "Ўзағромашсервис" уюшмаси ҳамда "Ўзнефтмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат" ва "Ўзбекэнерго" компаниялари тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг пахта ва ғалла етиштирувчи фаолият юритаётган фермер хўжаликларидан бўлган дебитор ва кредитор қарзларини камайтириш юзасидан ойма-ой туманлар кесимида мониторинг юритилган.

Фермер хўжаликларининг 2013 йил 1 декабрь ҳолатига "Ўзағромашсервис"

уюшмаси ҳамда "Ўзнефтмахсулот", "Ўзкимёсаноат" ва "Ўзбекэнерго" компаниялари олдидаги жами дебитор қарздорлиги 92 млрд. 353 млн. сўмни ташкил этиб, 2013 йил 1 январга нисбатан

44 млрд. 745 млн. сўмга камайган, жами кредитор қарздорлиги 1145 млрд. 446 млн. сўмни ташкил этиб 264 млрд. 647 млн. сўмга кўпайган.

Шундан "Ўзнефтмахсулот" компаниясидан 423,1 млрд. сўм кредитор ва 32,5 млрд. сўмлик дебитор қарздорлик, "Ўзкимёсаноат" компаниясидан 588,6 млрд. сўм кредитор ва 45,2 млрд. сўмлик дебитор қарздорлик, "Ўзбекэнерго" компаниясидан 103,7 млрд. сўм кредитор ва 2,4 млрд. сўмлик дебитор қарздорлик, "Ўзағрошсервис" уюшмасидан 30,0 млрд. сўм кредитор ва 12,2 млрд. сўмлик дебитор қарздорлик мавжуд бўлиб қарздорликлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 июлдаги 3-сонли баённомасига биноан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси билан биргаликда қишлоқ хўжалигига минерал ўғитлар, хусусан калийли ўғитлар етказиб берилиши таҳлил қилинди.

2.1.8-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги муқобил МТПларнинг
фаолияти тўғрисида 2013 йил 1 декабрь ҳолатига
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Худудлар	Жами муқобил МТПлар сони	Мавжуд техникалар сони (дона)				Тузилган шартномалар		Ха қикатда кўрсатилган хизмат суммаси (млн.сўм)	Ундирилган маблағ	
			Жами	хайдо в	ишло в	ғалла ўриш комбайни	сони, дона	суммаси, млн.сўм		суммаси, млн.сўм	Фоиз (кўрсатилган хизматга нисбатан), %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Қорақалпоғистон Р	132	1269	204	1047	18	1994	4035,3	3773,0	3263,6	86,5
2	Андижон	185	1173	176	980	17	1450	5480,7	5362,9	5175,2	96,5
3	Бухоро	104	541	98	425	18	844	231,8	229,4	228,3	99,5
4	Жиззах	5	53				2212	1427,0	1334,2	1154,1	86,5
5	Қашқадарё	194	2191	378	1694	119	2771	11768,0	11132,5	9741,0	87,5
6	Навоий	17	218	50	168		84	479,0	463,8	442,9	95,5
7	Наманган	135	2602	461	1920	221	1657	13043,0	12338,7	10796,3	87,5
8	Самарқанд	241	2615	179	1023	31	1024	1171,0	1133,8	1082,7	95,5
9	Сурхондарё	126	1657	132	1479	46	1654	4787,2	4738,4	4714,7	99,5

10	Сирдарё	57	253	27	217	9	74	426,0	380,2	328,9	86,5
11	Тошкент	191	2269				2580	11537,0	10798,6	9880,7	91,5
12	Фаргона	148	572	53	511	8	2399	2950,4	2758,6	2386,2	86,5
13	Хоразм	106	904	224	678	2	899	1917,0	1771,3	1514,5	85,5
Республика бўйича		1641	16317	1982	10142	489	19642	59253,4	56215,4	50709,2	90,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида

2.1.9-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикаси вавилоятлардаги Сув истеъмолчилари уюшмаларининг фаолияти тўғрисида
2013 йилнинг 31 декабрь ҳолатига М А Ъ Л У М О Т**

№	Худудлар	Жами СИУлар сони	СИУ хизмат кўрсатадиган майдон, минг га			СИУ абзолари сони		2013 мавсуми учун сувдан фойдаланиш бўйича тузилган шартнома сони	2013 йил учун тузилган Бизнес режа киймати, млн.сўм	Бизнес режага асосан кўрсатилган хизмат, млн.сўм	Жами кўрсатилган хизматга ундирилган маблағ, млн.сўм	%	1 га майдон тўғри келган маблағ, сўм	
			Жами	Пахта	Ғалла	Бошқа экинлар	Жами							шундан ф/х-лар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Қорақалпоғистон Р	128	334,1	94,7	53,0	186,4	3322	3173	3322	1831	1763	1553,0	88,1	4648
2	Анджон	109	246,3	93,4	80,2	72,7	5670	5302	5670	4010	2235	1633,0	73,1	6630
3	Бухоро	128	275,1	120,6	65,6	88,9	3506	3410	3506	3726	3512	2329,0	66,3	8466
4	Жиззах	119	236,1	101,1	109,0	26,0	3516	3516	2941	3019	591	396,0	67,0	1677
5	Қашқадарё	148	469,5	160,4	145,0	164,1	6197	6063	6197	6195	5210	1942,0	37,3	4136
6	Навоий	57	121,9	35,8	39,3	46,8	1196	1196	1195	1551	1103	1061,0	96,2	8704
7	Наманган	143	273,1	82,6	79,0	111,5	6111	3384	3496	3171	2651	1953,0	73,7	7151
8	Самарқанд	36	376,8	91,5	110,1	175,2	6156	5906	5780	3975	3727	1713,0	46,0	4546
9	Сурхондарё	151	347,0	119,6	98,0	129,4	3783	3455	3099	3816	2697	1059,0	39,3	3052
10	Сирдарё	105	240,5	110,7	89,0	40,8	4274	4020	2137	4906	4585	2199,0	48,0	9143
11	Тошкент	148	358,5	91,5	122,1	144,9	5064	4765	3981	4078	3189	1465,0	45,9	4086

12	Фаргона	124	358,1	103,0	104,3	150,8	6159	5562	6159	5916	5511	4753,0	86,2	13 27 3
13	Хоразм	114	247,3	93,7	33,9	119,7	4782	4468	4420	3754	3080	1384,0	44,9	55 96
Республика бўйича		1510	3884,3	1298,6	1128,5	1457,2	59736	54220	51903	49949	39854	23440,0	58,8	60 35

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида

2.1.10-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ЁММ сотиш шахобчаларининг пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлариغا етказиб берган ЁММлари тўғрисида 2013 йил 31 декабрь ҳолатига МАЪЛУМОТ

Т/р	Худудлар	Жами ша хобчалар сони	Ер майдонига ажратиладиган лимит доирасида тузилган шартномалар			Амалда етказиб берилди			Ундирилган маблағ	
			шартномалар сони (дона)	суммаси, (млн. сўм)	ЁММ миқдори (тонна)	ЁММ миқдори (тонна)	суммаси, (млн. сўм)	фоиз	суммаси, (млн. сўм)	Етказиб берилган маҳсулотга нисбатан фоизи %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Қорақалпоғистон Р	127	2791	40252	26927	23022	33812	84,0	29247	86,5
2	Андижон	100	2841	44314	31324	27758	40769	92,0	38527	94,5
3	Бухоро	80	2834	43902	29717	24810	36439	83,0	31155	85,5
4	Жиззах	122	4277	59690	40765	34139	50140	84,0	43371	86,5
5	Қашқадарё	177	5770	71387	48862	39371	57823	81,0	48283	83,5
6	Навоий	54	1372	20963	14315	13131	19286	92,0	18225	94,5
7	Наманган	67	2801	45230	30886	26484	38898	86,0	34424	88,5
8	Самарқанд	121	5555	46605	29138	26972	39614	85,0	34662	87,5
9	Сурхондарё	75	3353	68487	42819	42434	62323	91,0	58272	93,5
10	Сирдарё	92	2962	46989	32120	28154	41350	88,0	37422	90,5
11	Тошкент	122	3384	45259	28886	25885	38018	84,0	32885	86,5
12	Фарғона	111	4370	38076	26545	22295	32745	86,0	28979	88,5
13	Хоразм	109	2214	46373	29741	27470	40345	87,0	36108	89,5
Республика бўйича		1357	44524	617527	412044	361926	531561	86,1	471561	88,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида

2.1.11-жадвал

2013 йилда фермер хўжаликларига пахта етиштириш учун етказиб берилган калийли ўғит миқдори ва унинг қиймати тўғрисида иқтисодий

ТАҲЛИЛ

Т/Р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Илмий асосланган меъёр бўйича	Ҳақиқатда 2013 йилда	Фарқи, +/-
1	1 гектар ердан олинadиган ҳосилдорлик	ц/га	28,0	26,5	1,5
2	1 гектар ердан олинishi мумкин бўлган пахта хом-ашёсининг қиймати (937 минг сўм/тонна)	минг сўм	2 623,6	2 483,1	140,6
3	Жами 1285,5 минг гектар пахта майдондан олинishi мумкин бўлган қўшимча ҳосил	минг тонна	$1285,5 \times 1,5 / 10 = 192,8$		192,8
		млрд. сўм	$1285,5 \times 140,6 / 1000 = 180,7$		180,7
4	Ўртача 1 гектар ерга берилган калийли ўғит (илмий асосланган меъёр бўйича 1 ц ҳосил учун 3,5 кг калий ўғити) (1261 минг сўм/тонна)	кг/га (соф ҳолда)	110,0	11,0	99,0
		минг сўм	138,7	13,9	124,8
5	Жами 1285,5 минг гектар пахта майдонига берилadиган калийли ўғит	минг тонна	141,4	14,1	127,3
		млрд. сўм	178,3	17,8	160,5
6	1 гектар ердан олинishi мумкин бўлган қўшимча даромад (140,6-124,8=15,7)	минг сўм	2 401,8	2 110,5	15,7
7	1285,5 минг гектар ердан олинishi мумкин бўлган қўшимча даромад (180,7-160,5=20,2)	млрд. сўм	3 087,5	2 713,1	20,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси мутахассисларининг илмий асосланган талабга кўра ҳисоб-китоб қилиб берган хулосаларига биноан, 2013 йил ҳосили учун барча қишлоқ хўжалиги экинларига **253,1 минг** тонна калий ўғити берилиши талаб этилиб, ҳақиқатда **14,9 минг** тонна (**5,9%**) етказиб берилган.

Хусусан, таҳлилларга кўра, Республика бўйича 2013 йилда пахта ҳосили учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига (соф ҳолда):

260,1 минг тонна азотли ўғит (гектарига **202кг**, яъни илмий асосланган талабнинг **102** фоизи);

53,5 минг тонна фосфорли ўғит (гектарига **41,6кг**, **25,2%**);

14,2 минг тонна калий ўғити (гектарига **11кг**, **10%**) уларнинг тўлов

қобилиятига мувофиқ етказиб берилган.

Бунда минерал ўғитларни қўллашнинг **илмий асосланган мутаносиблиги (1:0,7:0,5) таъминланмаган.**

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда соҳа мутахассисларининг хулосаларига кўра, илмий талаб асосидаги меъёрлар ва мутаносибликда минерал ўғитларни қўллаш, шу жумладан калий ўғити ғўза ўсимлигига тўлиқ етказиб берилганда:

-ғўза ўсимлигини қурғоқчиликка, шўрланишга, гармселга, замбуруғ ва вилт касалликларига чидамлилиги ортади;

-хар-бир гектар майдондан ўртача **1,5** центнер қўшимча ҳосил, жами **1285,5** минг гектар пахта майдонидан **192,8** минг тонна пахта хом-ашёси олиниши мумкин (2.1.11-жадвал);

-пахта толасининг сифати (тола узунлиги, микронейри), тола чиқими ва чигитнинг ёғдорлиги ошади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, 2013 йилда фермер хўжаликлари пахта етиштириш учун етказиб берилган калийли ўғит миқдори ва унинг қиймати тўғрисида иқтисодийтаҳлил шуни кўрсатадики бир гектар майдонда биргина калий ўғитини илмий талаб меъёрдан кам қўлланилганда 1,5 центнердан салкам **икки юз минг** тонна пахта хом-ашёси олинмади, бунинг ҳисобига республика бўйича жами **20,2** млрд. сўм маблағ йўқотилди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб қўйидагиларга эътибор берилса:

-Барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун талаб этиладиган моддий техника ресурсларнинг илмий асосланган меъёрларини тасдиқлаб, жойларга етказиши.

- “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси минерал ўғитлар ишлаб чиқариш балансидаги тақсимотни илмий асосланган талаб миқдорида шакллантириши ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига барча турдаги минерал ўғитларни ўз муддатида етказиб берилишини таъминлаши.

- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисоб-китоб

жамғармаси билан биргаликда ғўза ва бошоқли дон экинлари учун илмий асосланган талаб бўйича моддий техника ресурслари учун меъёردа тўлиқ маблағ ажратиш кўзда тутилишини ҳисобга олиши.

- Мева-сабзавот, картошка, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини катта қисмини деҳқон хўжаликлар ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликлар етиштиришини инобатга олиб, жойларда “Ўзкимёсаноат” ДАК минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни сотишга мўлжалланган махсус дўконлар орқали савдосини ташкил этиши.

-Таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ташкилот ва идоралар, тегишли тижорат банклари билан биргаликда боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик хўжаликларига минерал ўғитлар, жумладан калийли ўғитлар етказиб беришнинг молиявий манбаларини белгилашлари.

- Тижорат банкларига деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлари томонидан етиштириладиган мева-сабзавот, картошка, полиз ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратиши бўйича кўрсатма беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Таҳлиллар кўрсатишича қишлоқ хўжалигикорхоналари юқори натижаларга эришмоқда. Жумладан пахта ва ғалла ҳосилдорлигида буни кўриш мумкин.Ғалла ҳосилдорлиги барча қишлоқ хўжалиги корхоналарида сўнгги беш йил давомида ўсиб борган. Қишлоқ хўжалиги корхоналарилар эришган ютуқлар, биринчи навбатда;

-ерга ишлов бериш, экинларни парваришлаш, озиклантириш борасидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатилаётган сервис хизмати меҳнати натижаси;

-ресурслардан фойдаланиш, ортиқча сарф харажатларни қисқартириш борасидаги тежамкорлиги натижаси;

-қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўз меҳнатиданманфаатдорлиги масаласи, оиласи фаровонлиги ўз меҳнатига боғлиқлигини сезиши натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

Аммо, қишлоқ хўжалиги корхоналарилар бугунги кунда моддий-техника ресурслар билан меъёрлардан паст таъминланаётганлиги ишлаб чиқариш ривожига тўсиқ бўлмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарилар техника билан 7-9 маротаба меъёрлардан кам таъминланган. Кўп ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналари зарур ишчи механизмларни эмас балки, олиш имкони бўлганини сотиб олишади.

Жумладан 2004 йилда бир қишлоқ хўжалиги корхоналарига тўғри келаётган тракторлар 0,3 тани ташкил этган бўлса, 2012 йилда 0,25 тага тушган ва ҳар тurt қишлоқ хўжалиги корхоналарининг биттаси техникага эга.

Тадқиқотлар кўрсатишича қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзига қулай, арзон ва самарали хизмат турини танлаш имкониятига эга бўлсагина, хизматлар нархи ва сифати муаммоси барҳам топиши мумкин. Бунда қуйидаги муаммолар ҳал этилиши лозим;

-сервис хизмати кўрсатиш ва моддий-техника таъминоти борасида қишлоқ хўжалиги корхоналарилар маблағларини бирлаштирган ҳолда хизмат кўрсатувчи кооперацияларини ташкил этиш;

-хизмат нархларини арзонлаштириш ва хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар сонини кўпайтириб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат турларидан фойдаланишда танлаш имкониятини яратиш;

-ер майдонлари катта (60 га дан юқори) қишлоқ хўжалиги корхоналариларга қишлоқ хўжалиги техникасига эга бўлиши учун имтиёзли шароит яратиш;

-қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналариларга минерал ўғитлар ва захарли химикатлар етказиш тизимида хусусий мулкчилик асосида фаолият юритувчи тузилмаларни ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш лозим.

Қишлоқ хўжалигига сервис хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини ташкил этишда юқорида айтиб ўтилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда комплекс тадбир ишлаб чиқиб, доимо такомиллаштириб бориш талаб этилади.

2.2. Қишлоқда сервис хизмат инфратузилмасини ташкил қилиш ва фермер хўжаликларига кўрсатилган хизматлар таҳлили.

Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари: Вазирлар Маҳкамасининг **2003 йил** 22 январдаги 38/6-сонли қарорига асосан 126 та минерал ўғитлар сотиш, 32 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш шохобчалари, **2004 йилда** Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосан 126 та минерал ўғитлар сотиш, 32 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш шохобчалари **2005 йилда** Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли қарорига асосан 218 та минерал ўғитлар сотиш, 99 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш шохобчалари ташкил этилиб, шундан 207 та ва 85 таси фаолият юритган.

2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПҚ-215-сонли ва 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255 сон қарорларига асосан 255 та минерал ўғитлар сотиш, 281 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, 92 та транспорт хизмати кўрсатиш, 73 та тара идишлар қадоқлаш шохобчалари ташкил этилган.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги ПҚ-514 сонли қарори Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг 2006 йил 29 декабрдаги 003/1-845-сонли йиғилиш баёнига асосан 94 та минерал ўғитлар сотиш, 56 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, 10 та транспорт хизмати кўрсатиш, 12 та тара идишлар қадоқлаш шохобчалари ташкил этилган бўлиб, жами 882 та минерал ўғитлар сотиш, 474 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, 83 та транспорт хизмати кўрсатиш 85 та тара идишлар қадоқлаш шохобчалари ташкил этилган.

2008 йилда 915 та минерал ўғитлар сотиш шохобчалари томонидан фермер хўжаликларига 61386 тонна минерал ўғитлар, 426 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш шохобчалари томонидан 0.7 млн.сўмлик, 82 та транспорт хизмати шохобчаси томонидан 2.5 млн.сўмлик, 78 та тара қадоқлаш шохобчалари томонидан 0.3 млн сўмлик хизматлар кўрсатилган.

2009 йилда 935 та минерал ўғитлар сотиш шохобчалари томонидан фермер хўжаликларига 483201 млн.сўмлик, 300281 тонна минерал ўғитлар, 424 та қишлоқ

хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш шохобчалари томонидан 850 млн.сўмлик, 82 та транспорт хизмати шохобчаси томонидан 255.1 млн.сўмлик, 78 та тара қадоклаш шохобчалари томонидан 82.2 млн сўмлик хизматлар кўрсатилган.

2010 йилда 917 та минерал ўғитлар сотиш шохобчалари томонидан фермер хўжаликларига 390468 млн.сўмлик, 397199 тонна минерал ўғитлар, 424 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш шохобчалари томонидан 939.1 млн.сўмлик, 82 та транспорт хизмати шохобчаси томонидан 2834.3 млн.сўмлик, 78 та тара қадоклаш шохобчалари томонидан 117.7 млн сўмлик хизматлар кўрсатилган.

2011 йилда 917 та минерал ўғитлар сотиш шохобчалари томонидан фермер хўжаликларига 544299 млн.сўмлик, 487917 тонна минерал ўғитлар, 424 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш шохобчалари томонидан 6190.9 млн.сўмлик, 85 та транспорт хизмати шохобчаси томонидан 511.1 млн.сўмлик, 78 та тара қадоклаш шохобчалари томонидан 121.9 млн сўмлик хизматлар кўрсатилган.

2012 йилда 899 минерал ўғитлар сотиш шохобчалари томонидан фермер хўжаликларига 837373 млн.сўмлик, 514065 тонна минерал ўғитлар, 424 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш шохобчалари томонидан 1907 млн.сўмлик, 99 та транспорт хизмати шохобчаси томонидан 193.5 млн.сўмлик, 78 та тара қадоклаш шохобчалари томонидан 112.9 млн сўмлик хизматлар кўрсатилган.

2013 йилда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳаси учун инфратузилмани яратиш бўйича жойларда 43 та қўшимча минерал ўғитлар сотиш дўконларини, 38 тара қадоклаш материаллари ишлаб чиқарувчи цехларни, 30 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш корхоналарини ташкил қилинган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини моддий-техник ресурслар билан таъминлаш ва уларга сервис хизмат кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигини моддий-техник ресурслари ўз вақтида етказиб бериш ҳолатини мунтазам баҳолаб бориш ва уларни амалиётда

самарали ишлатилиши устидан мониторингни кучайтириш лозим.

Қишлоқда бозор инфратузилмасини моддий-техник базасини янада мустахкамлаш учун етарли шароит яратилиши зарур, яъни уларга лизинга техника беришни, шунингдек банкдан кредит олиш жараёнини соддалаштириш, Агрофирмаларга етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлайдиган махсус омборларни қуриш ва уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиб берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (айниқса, давлат эҳтиёжлари учун) етиштирувчиларига моддий-техник ресурсларни етказиб берувчиларни танлаш учун тендер савдоларини жорий этиш лозим.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ишчи ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини ривожлантириш, қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантириш жараёни учун тегишли илмий-услубий таъминотини янада такомиллаштириш зарур.

Ташкил этилган инфратузилма объектлари томонидан деҳкон ва фермер хўжаликларига кўрсатаётган сервис хизмат турларини мунтазам кўпайтириб боришлари лозим. Шу мақсадда намунали инфратузилма объектларида тажриба алмашиш учун мунтазам равишда семинарлар ўтказиб турилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3 БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА СЕРВИС ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ИНФРАТУЗИЛМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Фермер хўжаликларига сервис хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфраструктураларни ривожлантириш йўналишлари

Кўпчилик фермер ва деҳқон хўжалиklarининг агротехника ишларини ўз муддатида амалга ошириш учун ўз хусусий техника воситалари йўқ. Бу ҳолат фермерларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ишини янада жонлантириш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири эканлигини кўрсатади.

Фермер хўжаликларига техник хизмат кўрсатиш ва механизациялашган ишларни бажаришда машина-трактор парклари (МТП) катта роль ўйнайди. Машина-трактор парклари Давлат акциядорлик жамиятлари (МТП ДАЖлар) ерларни экишга тайёрлаш, қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб-териб олишга доир механизациялашган ишларни хўжаликлар билан шартномалар бўйича бажаришга ихтисослаштирилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги 95-сонли “Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатиш соҳасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ташкил этилган. МТП ДАЖларга қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш билан бирга, хўжалиklarинг техника воситаларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, уларга техникларни ижарага бериш ва янги техникалар келтириб сотиш ишларини ҳам бажариш ҳуқуқи берилган.

“Ўзағромашсервис” уюшмасининг маълумотларига кўра ҳозирги кунда

республикамизда жами 180 та МТП ДАЖлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ихтиёрида 3117 дона ҳайдов тракторлари (шу жумладан 1946 дона “Магнум” русумли тракторлар), 2678 дона ғалла ўриш комбайнлари (шу жумладан 1600 дона “Кейс” русумли комбайнлар), 946 дона пахта териш машиналари (шу жумладан 787 дона “Кейс-2022” русумли пахта тариш машиналари), 233 дона озуқа комбайнлари, 236 дона шоли ўриш комбайнлари, 2444 дона чопиқ тракторлари, 2576 дона омочлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари мавжуд бўлган.

МТПларнинг қишлоқ хўжалиги техникалари паркини янгилаб бориш ва қайта қуроллантиришдан манфаатдорлигини ошириш ҳамда улар билан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2000йил 28апрелда Вазирлар Мақкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ «Ўзагротмашсервис» орқали ҳукумат қарорлари асосида республикага хориждан техника воситалари ва эҳтиёт қисмлар келтирилганда бож тўлови (божхонада расмийлаштириш йиғими бундан мустасно) тўлашдан ҳамда МТПлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига чет элдан харид қилинган техникалар ва эҳтиёт қисмларни сотишда қўшилган қиймат солиғидан озод этилди. МТПлар солиқ солиш шартлари бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналарига тенглаштирилган. Бу қишлоқхўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига етиштириладиган маҳсулот таннархини пасайтиришга имкон яратади.

Аммо, МТП ДАЖларнинг асосий қишлоқ хўжалиги техникалари чет эл кредити ҳисобига харид этилган қимматбаҳо “Магнум” ва “Кейс” русумли техникалар бўлиб, уларни кичик ҳажмли фермер ва деҳқон хўжаликлари ер майдонларида ишлатиш иқтисодий ва техник жиҳатдан самарасиздир. Қиймати баланд бўлган бу техникаларнинг амортизация ажратмалари баландлиги, чет эл кредити учун белгиланган график бўйича фоиз тўловлари ва асосий қарзни қайтариш шартлари мураккаблиги ва техник хизмат кўрсатиш қийматининг ортиб

бораётганлиги натижасида МТП ДАЖлар томонидан кўрсатилаётган техник хизматлар нархлари фермер хўжаликлари учун ниҳоятда қиммат бўлмоқда. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг кўтарилиб кетиш ҳолатлари юз бермоқда.

Кейинги йилларда МТПларни ривожлантириш йўналишида бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Хусусан, мавжуд МТП ДАЖларнинг туманлардаги монопол мавқеини чеклаш, техник хизматлар бозорида рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 мартдаги 106-сонли “Машина-трактор паркларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг хизматларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан ҳар бир туманларда муқобил машина-тракторлар шакллантириш ишлари йўлга қўйилди. Фермер хўжаликлари сифатида қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида ташкил этилаётган муқобил машина-трактор парклари солиқ солиш шартлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилаётган хизматлар (ер ҳайдаш, экиш, ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириш ва бошқалар) учун ҳисоб-китоблар бўйича «Ўзагротмашсервис» уюшмаси вилоят бирлашмаларининг машина-трактор паркларига тенглаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги ПҚ-304-сонли «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларни камайтириш ҳамда фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. “Ўзагротмашсервис” уюшмаси корхоналари ва муқобил машина-трактор парклари истисно тариқасида Ҳукумат қарори билан олиб келинадиган қишлоқ хўжалиги техникаси, бутловчи ва эҳтиёт қисимлар, қишлоқ хўжалик шиналари ва таъмирлаш материалларини импорт қилишда божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари), шунингдек, уларни қишлоқ

хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва машина-трактор парклари, жумладан муқобил машина-трактор паркларига сотишда қўшилган қиймат солиғидан, қишлоқ хўжалиги корхоналари талабномаларига кўра бажариладиган иш ва хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилди.

2. “Ўзағромашсервис” уюшмаси ва муқобил машина-трактор парклари фермер хўжаликларга қишлоқ хўжалиги техникаси ва моддий-техника ресурсларини сотишда улар қийматининг 5 фоизидан ошмайдиган (солиқлар ва бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлардан ташқари) устама нарх белгилаши назарда тутилди.

Муқобил МТПлар турли мулкчилик шаклларига асосланган техник хизматлар кўрсатиш корхонаси сифатида қуйидаги йўллар билан ташкил этилиши мумкин:

1. Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг техник марказлари негизида.

2. Дилерлик шахобчалари қошида.

3. Тугатилаётган ширкат хўжаликлари машина-трактор парклари ёки таъмирлаш устахоналари негизида.

4. Хусусий шахслар томонидан.

5. Фермерларнинг техникадан биргаликда фойдаланишига асосланган кооперативлар шаклида.

Кейинги йилларда зарар келтириб ишлаётган истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш борасида амалга оширилган йирик давлат дастурлари натижасида тугатилган ширкатларнинг машина-трактор парклари ёки таъмирлаш устахоналари негизида муқобил МТП тузиш ишлари кенг кўламда амалга оширилди. Тугатилган ширкат хўжаликлар негизида ташкил топган машина-трактор парклари ёки таъмирлаш устахоналари негизида муқобил МТП тузишнинг бир қатор қулайликлари мавжуд. Жумладан:

- ширкат хўжалигида мавжуд тракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва бино-иншоотларнинг муқобил МТП балансига берилиши уларнинг моддий-техник базасини қисман бўлсада мустаҳкамлашга имкон яратди;

- муқобил МТПларнинг ташкил этилиши механизация ва техник хизматлар тизимида мулкчилик муносабатларининг тубдан ислоҳ қилинишига ва рақобат муҳитининг шаклланишига имкон яратди;

- фермерлар учун нисбатан арзон техник хизматлардан фойдаланишга йўл очди;

- хизматлар учун баҳо бозор механизмлари асосида, талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланди;

- рақобат муҳитининг шаклланиши техник хизматлар сифатини оширишга мажбур қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январда қабул қилинган 8-сонли “Қишлоқ хўжаги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан тугатилган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилаётган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаларнинг қуйидаги турларини ташкил этиш тадбирлари белгилаб берилди:

- «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий воситалар билан таъминлаш омборлари;

- “Ўзнефтмаҳсулот” компанияси тегишли нефть базасининг фермер хўжаликларини ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича филиаллари;

- қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонасининг мавжуд техникаси негизида муқобил машина-трактор парклари;

- хўжалик ҳисоби асосида сув истеъмолчилар уюшмалари (қайта ташкил этилаётган хўжаликлар ҳудудида ўзаро сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш учун).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сон Фармони билан тасдиқланган “2004-2006 йилларда Фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси”да фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш бўйича инфратузилма объектлари тармоғи кенгайтириш, қишлоқда

махсулот тайёрлаш, уни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатиш бўйича инфратузилмаларни кенг кўламда ривожлантириш, қишлоқ хўжалик фани, техникаси ва агротехнологияларнинг энг янги ютуқлари бўйича фермерлар кенг фойдалана оладиган замонавий ахборот тизимини барпо этиш кўзда тутилди. Концепцияда инфратузилмаларнинг умумий сонини 2007 йилга бориб 8,2 мингтадан ошириш вазифаси қўйилган эди, амалда бажарилди.

Жумладан, 2003 йилга нисбатан муқобил машина-трактор парклари сони 4,1 баравар, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси 4,6 баравар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари сотиш объектлари тармоғи 4,4 баравар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш тармоқлари 1,8 баравар, ёқилғи-мойлаш материаллари сотиш тармоқлари 4,6 баравар, ахборот билан таъминлаш ва консалтинг тармоқлари 1,9 баравар, кичик банклар 3,1 баравар, наслдор моллар сотиш ва зооветеринария хизматлари кўрсатиш тармоқлари 1,2 баравар кўпайиши белгилаб берилган эди.

“2004-2006 йилларда Фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси”ни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасисининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли қарорига мувофиқ 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш бўйича йирик дастур қабул қилинди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ушбу дастурга ўзгартиришлар киритилди 2005-2007 йилларда қишлоқларда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш бўйича янги дастур қабул қилин эди.

Юқорида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида фермерларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмалари сони муттасил ошиб бормоқда. Ўзбекистон Фермер кенгашининг маълумотларига қараганда ҳозирги

кунда давлат дастурлари асосида шакллантирилган муқобил МТПлар сони 1826 тага етди. Шу билан бирга муқобил МТПларнинг моддий-техник базаси МТП ДАЖларга заифлигини ва молиявий жihatдан етарлича бақувват эмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасида техника воситаларини таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш хизмати муҳим ўрин тутди. Чунки йил давомида техника воситаларини иш ҳолатида сақлаб туриш, уларни эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида таъминлаш ва керакли таъмирлаш ишларини сифатли бажариш, фермер хўжалиklarининг нормал фаолият юритишга ёрдам беради. Ҳозиргача бизда фермерларнинг техника воситаларини таъмирловчи ва уларга эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи сервис хизмати яхши шаклланмаган.

Фермер хўжалиklари ривожланиб бориши билан уларнинг техника воситалари билан таъминламаганлик даражаси ҳам ўсиб боради. Бу эса келгусида фермерларга техника хизмати кўрсатувчи кўплаб сервис пунктлари тармоғини яратишни талаб этади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳим звеноси (бўғини) агрокимё хизматидир. Агрокимё хизмати қишлоқ хўжалиги корхоналарини ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш, кимё воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан тадбирларни амалга ошириш ва тавсияномалар бериш каби вазифаларни амалга оширади. Шунинг билан бирга хўжалиklarнинг буюртмалари бўйича минерал ўғитлар ва бошқа ҳимоя воситаларини хўжалиklarга ташиб бериш ва қўллаш тадбирларини ҳам бажариши мумкин. Ҳозирги кунда агрокимё хизматини амалга ошириш билан туманлардаги “Агрокимёсервис” ташкилоти шуғулланади. ”Агрокимёсервис” тумандаги хўжалиklarни кимёвий воситалари билан таъминловчи ягона ташкилот - ўз хизмат соҳасидаги монопол мавқега эга. Бу эса фермер хўжалиklarининг агрокимё хизматидан фойдаланишдаги танлов эркинлигини йўққа чиқаради. Келгусида ”Агрокимёсервис”нинг жойларда фермерларга минерал ўғитлар сотиш шаҳобчаларни кўпайтириш лозим.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини минерал ўғитлар билан таъмин этиш

тизими ҳам ҳозирги кунда такомиллаштиришни талаб этади. Минерал ўғитлар захарли химикатлар ҳам асосан белгиланган лимитлар бўйича берилган буюртмалар асосида ажратилади. Аммо, мазкур тизимда қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари ҳар доим ҳам белгиланган лимитдаги минералўғитларни олиш имконига эга бўлаётгани йўқ. Мавжуд қишлоқ хўжалиги корхоналарини минерал ўғитлар билан таъмин этиш тизимида кўплаб оралиқ бўғинлар мавжудлиги ортиқча сарф харажатлар ортиши ва минерал ўғитлар йуқолишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, кимё заводларидан маҳсулотлар Республика Агрокимётаъминот давлат Акциядорлик бирлашмаси ихтиёрига ундан сўнг вилоят Агрокимётаъминот бирлашмаларига кейинги босқичда туман агрокимётаъминот акциядорлик жамиятларига келиб тушади. Туман агрокимётаъминот идораларидан қишлоқхўжалиги корхоналари агрохим марказларига (минерал ўғит омборхоналарига) етказиб берилади. Бунда ҳар бир бўғинида маҳсулот баҳоси 25-30 фоизга ортиб боради.

“Ўзагрокимётаъминот” давлат акциядорлик бирлашмаси минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларини вилоят “Агро кимётаъминот” бирлашмаси билан тузилган контрактлар асосида етказиб бериши, фоизларни тақсимлаш ва жўнатилган ресурслар учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан назорат олиб боради. Вилоятлардаги “Агрокимётаъминот” бирлашмалари ҳам шу тариқа тузилган контрактлар асосида минерал ўғитлар, кимёвий воситаларни туманбирлашмаларига етказиб беришга фоизларни тақсимлаш ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидаги назорат олиб боради. Туман агрокимётаъминот очик типдаги акциядорлик жамиятлари минерал ўғитларни ва бошқа кимёвий воситалари қишлоқ хўжалиги корхоналари агрокимё хизмати марказларига етказиб бериш, турли кимёвий воситалар билан ишлов бериши борасидаги хизматларини кўрсатиш вазифаларини амалга оширади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари агрокимё хизмати хўжалик экин майдонларини минерал ўғитлар билан меъёрлар асосида таъмин этиш, экинларни кимёвий воситалар билан ишлов бериш, зараркунанда ва хашаротлар, турли касалликларга курашиши бўйича хизматлар кўрсатиши

билан шуғилланишади. Шунингдек, худуддаги бошқа қишлоқхўжалиги корхоналарига (шу жумладан деҳқон хўжаликлари) минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериши билан шуғулланишади (аграрда тегишли шартномалар тузилган бўлса). Тулиғича тугатилган ширкат хўжаликлари турли ташкил этилган қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарига кимёвий ресурслар таъминотибўйича хизмат кўрсатишни йўлга қуйиши учун собиқ ширкат хўжаликлариинфратузилмаларини туман кимётаъминот бирлашмасига сотиш орқали, минерал ўғитлар сотиш шохобчалари ташкил этилган. Ушбу шохобчаларорқали қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари минерал ўғитлар билан таъмин этилмоқда. Аммо, ушбу шохобчаларнинг ташкил этилиши қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарини минерал ўғитлар билан таъминлаш муоммосини ҳал этгани йўқ. Чунки кимётаъминот тизимида ислохотларгина қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари муоммосини ҳал этиши мумкин. Бу энг аввало қишлоқ хўжалиги корхоналарига минерал ўғитларнинг фонд орқали ажратилиши, минерал ўғитларни сотиб олиш борасидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари эркинлиги мавжуд эмаслиги билан бевосита боғлиқ.

Фермер хўжаликларига сервис хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаларидан бири уларни нефт маҳсулотлари билан таъминловчи “Ўзнефтмаҳсулот” компанияси ва унинг жойлардаги бўлинмаларидир. Фермерларга уларнинг экин майдони ҳажми ва агротехник тадбирларнинг технологик картасида белгиланган миқдорда лимит асосида нефт маҳсулотлари етказиб берилади. Лекин, баъзи ҳолларда белгиланган лимит доирасидаги нефт маҳсулотлари танқислиги қишлоқ хўжалиги корхоналарига ўз вақтида етиб бормаслиги қишлоқ хўжалиги экинларига агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга тўсик бўлмоқда. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши натижасида бугунги кунга келиб нефт маҳсулотлари сотиш шохобчалари сони 1231 тага етди, лекин бу ҳали етарли эмас.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини нефт маҳсулотлари билан таъмин этиш

тизимида амалга оширилган туб ислоҳотларгина масалани ҳал этиши мумкин. Бунда энг муҳим масала нефт маҳсулотларини таксимлаш тизимида босқичма-босқич воз кечиш лозим. Биринчи босқичда нефт маҳсулотлари тақсимот тизимини фақатгина давлат бюртмаси доирасида етиштириладиган маҳсулотлар (пахта, ғалла, шоли) учунгина сақлаб қолган ҳолда бошқа маҳсулотлар учун эркин савдо шаҳобчалари орқали савдо қилишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Очиқ савдо орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарига сотиладиган нефт маҳсулотлари баҳоси бозорда шаклланган баҳоларда бўлиши боисдан, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун белгиланган солиқ имтиёзлари (нефт маҳсулотларига қушилган қиймат солиғининг бекор қилиши) бевосита маҳсулот баҳоси орқали эмас балки қишлоқ хўжалиги корхоналарининг меъёрий талабини ҳисобга олган ҳолда унинг ҳисоб рақамига ўтказилиши йўли билан ҳал этилишимумкин.

3. 2. Қишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва сервис хизматлар кўрсатиш бўйича шартномавий муносабатларни такомиллаштириш йўллари

Фермер хўжаликларининг моддий-техника ресурслари етказиб берувчи ва хизматлар кўрсатувчи корхоналар билан шартномавий муносабатларини такомиллаштириш долзарб вазифага айланмоқда. Айниқса бу соҳада тузилаётган шартномаларда нарх белгилаш масаласи алоҳида эътибор талаб қиладиган масаладир. Чунки, нефт маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, техникалар учун эҳтиёт қисмлар ва бошқа моддий ресурслар етказиб берувчи ҳамда фермерларга турли ишлар ва хизматлар кўрсатувчи корхоналар туманларда монопол мавқега эга бўлиб, уларнинг моддий ресурсларга ва ишларга (хизматларга) ўрнатаётган нархлари қишлоқ хўжалиги корхоналари учун оғир юк бўлиб тушмоқда.

Маълумки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари биологик жараёнлар билан боғлиқлиги туфайли тез бузилувчан бўлади. Уларни узоқ муддат сақлаш ёки узоқ масофаларга ташиш имкониятлари анча чегараланган. Бу эса қишлоқ хўжалиги

корхоналарининг ўз маҳсулотларига нарх белгилашида салбий таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан фарқли равишда моддий-техника ресурслари етказиб берувчи ва хизматлар кўрсатувчи корхоналар ўз маҳсулотларига баҳо белгилашда анча қулай мавқега эга.

Табиийки, бундай корхоналар бозорда монопол мавқени қўлга киритиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига ўз шароитларини мажбуран ўтказишга интиладилар. Агросаноат мажмуасининг I ва III соҳалари корхоналарининг монопол мавқеи бозорнинг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган рақобат курашини йўққа чиқаради. Амалда қишлоқ хўжалиги корхоналари учун бу тармоқлардан шерикларни танлаш имконияти йўққа чиққан.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ноқулай бўлган бир шароитда нархларнинг эркинлаштирилиши моддий-техника ресурслари нархларининг кескин ошиб кетишига олиб келди ва бундан энг кўп агросаноат мажмуасининг I ва III соҳа корхоналари манфаат кўрди.

Бу ҳолат қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариши мақсадларида харид этиладиган моддий-техника ресурсларидан етарли миқдорда ва ўз вақтида фойдаланиши имкониятларини чекламоқда. Масалан, ҳозирги кунда 96 816 000 сўм турадиган бир дона ТТЗ-80.11 тракторини олиш учун 109 тонна пахта (ўртача нархи 890 минг сўм/тонна) ёки 215 тонна дон маҳсулотларини (ўртача нархи 450 минг сўм/тонна) сотиш лозим.

Ваҳоланки, 1990 йилда 1 тонна пахта хом-ашёсининг нархи 1049 сўм ва 1 тонна ғалланинг нархи 459 сўм бўлганини эътиборга олсак, ўша даврда нархи 7000-8000 сўм атрофида турадиган 1 дона трактор учун 8 тонна атрофида пахта ва 17-18 тонна ғалла сотиш лозим бўлганини кўриш мумкин. Демак баҳолар орасидаги диспаратет трактор/пахта нисбатида 1990 йилга нисбатан 13,6 ва трактор/дон нисбатида 12 мартани ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат томонидан етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари нархлари ўртасидаги “паритет” сақлаб бориш бўйича қонун қабул қилиш ва туманларда қайта ишловчи,

тайёрловчи ва моддий техник таъминот билан шуғуланувчи корхоналарнинг монополь мавқисини чекловчи давлат дастурларини амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасида мутаносиб айрибошлашни таъминлашга катта эътибор берилади. Масалан, АҚШда 1933 йили қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигини мувофиқлаштириб туриш тўғрисида”ги қонун паритет концепциясини илгари суради. Паритет концепцияси шуни англатадики, ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг маълум бир миқдори, фермернинг бир миқдордаги товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга етсин. Масалан, агар фермер бундан 10 йил муқаддам бир миқдордаги пахтасини сотиб 1 дона трактор олган бўлса, ҳозирги кунда ҳам ўша миқдордаги пахтани сотиш ҳисобига 1 дона трактор олиш имкониятига эга бўлсин. АҚШда қабул қилинган бу қонунга мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари ўсиши билан қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган саноат товарлари баҳолари ўсиши ўртасида маълум бир мутаносиблик бўлиши кўзда тутилади.

Фермер хўжаликларининг моддий-техника ресурслари етказиб берувчи ва хизматлар кўрсатувчи корхоналар билан шартномавий муносабатларини ташкил этишда вужудга келадиган асосий муаммолардан бири – ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзлари масаласидир. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2012-2013 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва МТП хизматида кредиторлик ва дебиторлик қарзлари ошиб бормоқда.

2013 йилнинг 1 декабр ҳолатига 4 та тармоқ (“Ўзнефтмаҳсулот”, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзбекэнерго” компаниялари ва “Ўзагрошсервис” уюшмаси) тизимидаги корхона ҳамда ташкилотлардан пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитор қарздорлиги 1 трлн. 145 млрд. 446 млн. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 264 млрд. 647 млн. сўмга кўпайган.

Ушбу муддатга фермер хўжаликларининг мазкур корхоналардан дебитор қарздорлиги эса 92 млрд. 353 млн. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 44

млрд. 745 млн. сўмга камайган.

Ҳисобот даврида (2013 йил) 3 минг 280 та фермер ва деҳқон хўжаликлари билан 1641 та муқобил МТПлар 5,9 млрд. сўмлик 19 минг 642 та, 1510 та сув истеъмолчилари уюшма (СИУ)лари 50,1 млрд. сўмлик 51 минг 903 та, 1357 та ЁММ сотиш шохобчалари 175,5 млрд. сўмлик 40 минг 619 та, 904 та минерал ўғит сотиш шохобчалари 385,9 млрд. сўмлик 45 минг 215 та, 1171 та мини банклар 1 трлн. 913,5 млрд. сўмлик 55 минг 144 та, 2591 та зооветеринария хизмати кўрсатиш шохобчалари 9,5 млрд. сўмлик 5 млн. 765 мингта, 341 та консалтинг ва маркетинг хизматлари кўрсатиш тармоқлари 402 млн. сўмлик хизмат кўрсатиш юзасидан шартномалар тузилган.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳаси учун инфратузилмани яратиш бўйича жойларда 2013 йилда қўшимча 45 та минерал ўғитлар сотиш дўконлари, 40 та тара қадоқлаш материаллари ишлаб чиқарувчи цехлар, 27 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш корхоналари ташкил қилинган.

Ўрнатилган мониторинг асосида жойлардан олинган статистик маълумотларга кўра ҳисобот (2013 йил) даврида:

-муқобил МТП лар томонидан 6,2 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилиб, 5,6 млрд. сўми ёки 90,1 фоизи;

-СИУлар томонидан 39,9 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилиб, 23,4 млрд. сўми ёки 58,8 фоизи;

-зооветеринария хизмати шохобчалари томонидан 8,4 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилиб, 100 фоизи;

-консалтинг ва маркетинг хизмати тармоқлари 1245,1 млн. сўмлик хизмат кўрсатилиб, 961,4 млн. сўми ёки 77,2 фоизи ундирилган;

-минибанклар томонидан 1921,2 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган.

Шунингдек, 469,5 млрд. сўмлик жами 394,8 минг тонна ёқилғи-мойлаш материаллари ва 613,8 млрд. сўмлик минерал ўғитлар хўжаликларга етказиб берилган.

Бу рақамлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатилаётган хизмат ва моддий ресурслар нархи қимматлигидан ўз қарзларини вақтида тўлаш

имкониятига эга бўлмаётганидан дарак беради.

Нархларни шакллантириш асосида маҳсулот етиштиришга сарфланадиган ижтимоий харажатлар асос қилиб олиниши ва у ҳар бир регионнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олиши лозим. Шунингдек баҳоларнинг шаклланиши асосида бозорда реал таркиб топган талаб ва таклиф ҳажми, корхоналарнинг нормал фаолият юритиши учун имкон берадиган фойда нормаси ҳам асос қилиб олиниши керак.

Агросаноат мажмуасининг I ва III соҳа корхоналарининг ўз маҳсулотларига ўрнатаётган баҳоларига келсак, ҳали бу соҳада тўла яккаҳокимлик ҳукм сураётгани ва рақобат курашининг вужудга келмаганини ҳисобга олган ҳолда моддий-техника ресурслари баҳолари устидан давлат назорати ўрнатиш мақсадга мувофиқ (токи бу соҳада соғлом рақобат кураши вужудга келгунга қадар).

Моддий ресурслар етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалари мониторингини ўрганиш шуни кўрсатадики, тузилаётган шартномалар бўйича етказиб берилиши лозим бўлган моддий ресурслар ва кўрсатилиши лозим бўлган иш ва хизматлар ҳажми шартномадагига нисбатан кам бўлмоқда.

Бундай ҳолатлар фермерларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Фикримизча шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш устидан Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ва Прокуратура орқали кучли мониторинг олиб бориш, бу шартномаларда фермерларнинг манфаатларини устивор ҳимоялаш мақсадга мувофиқ.

Фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан янада яхшироқ таъминлаш мақсадида инфратузилмалар ташкил этилаётган бўлсада, улар юридик шахс мақомига эга эмас. Шунинг учун фермерлар маҳсулот (минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари) олишга шартнома тузиш ҳамда тегишли ҳужжатларни (ҳисобварақ-фактура, ишончнома, юк хати) расмийлаштириш учун ортиқча маблағ ва вақт сарфлаб туман марказларига қатнашга мажбур бўлмоқдалар.

Ушбу жараёнларни соддалаштириш, яъни ёқилғи ва минерал ўғитлар сотиш

шохобчаларига юридик шахс мақоми берилиши ва ушбу шохобчалар тўғридан-тўғри фермер хўжаликлари билан шартнома асосида фаолият юритиши лозим. Шунингдек, бу соҳада рақобатни ривожлантириш учун фермерларга ёқилги ва минерал ўғитлар етказиб берувчи нодавлат шаклдаги инфратузилмаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Тахлил натижаларига кўра фермерлар асосий вақтини керакли моддий ресурслар сотиб олишга, ва тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузиш жараёнига сарфламоқда. Мазкур амалиётни жорий қилиниши фермерларнинг кўпроқ агротехник ишлар билан шуғулланишига асос бўлади.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида муқобил МТПлар фермер хўжаликларининг таъсисчилигида ташкил этилган. Лекин уларнинг мулкчилик шакли аниқ қилиб белгиланмаган. Мазкур инфратузилмаларнинг йилдан-йилга моддий-техника базаси ва хизмат кўрсатиш даражаси пасайиб бормоқда.

Хулоса ва таклифлар

Амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар, таклиф ва тавсиялар тайёрланди;

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бугунги кунда самарали сервис тизимларининг мавжудлигига муҳтожлиги энг аввало қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади.

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий аҳволи етарли даражада тўлов қобилиятини таъмин эта олмаслиги ва шунингдек қишлоқ хўжалиги машиналари трактор ва ускуналар нархларининг кескин ошиб кетиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг ўсиш суръати ва саноат маҳсулотлари нархларининг ўсиш суръати ўртасидаги номутаносиблик келгусида ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналари фойдасига ўзгармаслиги қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етарли даражада машиналар тизимини сотиб олиш имкониятини чегаралайди. Бу эса ўз навбатида сервис хизматига бўлган эҳтиёжни янада оширади.

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналариларга ажратиб берилган ерлар хажмлари

жуда катта эмаслиги ва мавсумий ишлатиладиган кишлокхўжалиги машина ва тракторларини сақлаш иқтисодий жихатдан ўзини оқламаслиги барча керакли техникаларни сотиб олишни инкор этади.

3. Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари аъзоларининг билим ва маҳорат даражаси мураккаб техникалардан самарали фойдаланиш, агротехника тадбирларини сифатли ва ўз вақтида ўтказиш, заҳарлихимикатлардан, кимёвий ўғитлардан тўғри фойдаланиш, зараркунанда ва касалликларга самарали курашиш, зооветеринария тадбирларини ўтказиш ва бошқа шу каби соҳаларда етарли даражада эмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак ва ушбу тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида ўтказилиш кишлок хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва моллар маҳсулдорлигини ошириш гарови эканлиги кишлок хўжалиги корхоналарига сервис хизматларини кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш алмаштириб бўлмайдиган заруратлигидан далолат бериб турибди.

4. Ҳукумат қарорлари асосида ташкил этилаётган кишлок хўжалиги корхоналарига сервис хизмат кўрсатувчи маҳаллий шахобчалари бозор шароитида фаолият юритишга қодир эмас ва бунда рақобат муҳитини шакллантириш имконияти деярли йўқ.

5. Кўп укладли аграр иқтисодиёт тизимида, эркин тадбиркорлик тамойиллари асосида фаолият юритувчи кишлок хўжалиги корхоналари аҳамияти ортмоқда. Аммо, кишлок хўжалиги корхоналари ривожланишида маҳсулот етиштириш, моддий-техника ресурслари таъминоти ва сервис хизмат кўрсатиш борасида кўплаб ишларни амалга ошириш лозим.

6. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича ривожланган сервис хизмат кўрсатиш инфратузилма тармоғига эга бўлмай, бозорга рақобатбардош кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти чекланган. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши кўплаб хом-ашё, энергия манбалари, транспорт воситалари, омборхона, техник таъмирлаш, моддий-техника таъминоти, турли маслаҳатларга (агрономия, иқтисодий, зооветеринария, ҳуқуқий) талаблар ошишига олиб келади. Сервис хизматлар кўрсатиш тизими ривожланиши эса

маҳсулот сифатини ошириб, таннархи ва самарасиз сарфларни камайтиради.

7. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига техника таъминоти ва агросервис хизматларини кўрсатиш тизимини ривожлантириш зарурати бизнингча қуйидаги вазиятлар орқали изоҳланади.

-моддий-техника воситалар баҳоси эркинлашуви ва саноат корхоналари монопол вазияти, моддий-техника воситалари нархи ошишига олиб келиб, бу

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг техника ва бутловчи қисмлар харид қилиш имконини чеклайди.

-қишлоқ хўжалиги корхоналари сони ортиб борсада, улар қимматбаҳо техника воситаларини сотиб олиш учун маблағга эга эмас;

-кичик ҳажмда ишлаб чиқаришга эга қишлоқ хўжалиги корхоналарилар учун қиммат техникаларни сотиб олиши иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди;

-саноат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари ўсиши суръатлари қишлоқ хўжалиги корхоналари зараригашаклланиши техника сотиб олишга тўсиқ бўлмоқда.

8. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида моддий-техника ва сервис хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишда қуйидагича ёндашиш лозим:

-қишлоқ хўжалиги корхоналарига сервис хизмат кўрсатиш ва моддий-техника таъминоти тизимида рақобатчи хусусий фирмалар, техник хизмат марказлари, ширкатларини ривожлантириш;

-қишлоқ хўжалиги корхоналариларга моддий-техника таъминоти ва сервис хизмат кўрсатиш соҳасига ҳорижий ва ички инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;

-сервис хизмат кўрсатиш инфратузилмаларига молия-кредит ва солиқлар бўйича имтиёзлар яратилиши мақсадга мувофиқ.

9. Тадқиқотлар кўрсатишича қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзига қулай, арзон ва самарали хизмат турини танлаш имкониятига эга бўлсагина, хизматлар нархи ва сифати муаммоси барҳам топиши мумкин. Бунда қуйидаги муаммолар ҳал этилиши лозим;

-сервис хизмати кўрсатиш ва моддий-техника таъминоти борасида қишлоқ хўжалиги корхоналарилар маблағларини бирлаштирган ҳолда хизмат кўрсатувчи кооперацияларини ташкил этиш;

-хизмат нархларини арзонлаштириш ва хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар сонини кўпайтириб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат турларидан фойдаланишда танлаш имкониятини яратиш;

-ер майдонлари катта (60 га дан юқори) қишлоқ хўжалиги корхоналариларга қишлоқ хўжалиги техникасига эга бўлиши учун имтиёзли шароит яратиш;

-қишлоқ хўжалиги корхоналарига минерал ўғитлар ва захарли химикатлар етказиш тизимида хусусий мулкчилик асосида фаолият юритувчи тузилмаларни ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш;

10. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида сервис хизматлар кўрсатиш инфратузими ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида;

-қишлоқ хўжалиги корхоналари асосан оилалар асосида ва кичик гуруҳлар тарзида ташкил этилган ва уларда махсус хизматлар ва мутахассис ёллаш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаслиги;

-қишлоқ хўжалиги корхоналари аксарият ҳолларда олий маълумотли, қишлоқ хўжалиги тажрибасига эга бўлган мутахассислигига эга эмас. Бу эса мутахассислар маслаҳатига муҳтожлигини оширади.

7. Тадқиқотлар кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун сервис хизмат турлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

Технологик жараёнларини амалга оширишга кўмаклашувчи хизматлар; моддий-техника таъминоти йўналишидаги хизматлар; махсус маслаҳатлар хизматлари (консалтинг хизмати); молия кредит таъминоти хизмати; маркетинг ва менежмент хизмати.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатиладиган сервис хизмат турлари таснифи асосан хизмат турлари мазмуни ва ундан фойдаланиш йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратилган. Ушбу хизматлар зарурияти ҳудудлар хусусияти ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтисослашуви, кадр таъминотига боғлиқ

ҳолда ўзгаради.

8.Таҳлилларга қараганда белгиланган лимитдаги нефт маҳсулотлари қишлоқ хўжалиги корхоналарига вақтида етиб бормаслиги агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга тўсиқ бўлмоқда.Ҳозирдаги нефт маҳсулотларини тақсимотидан воз кечиш лозим.

Биринчи босқичда нефт маҳсулотлари тақсимот тизимини фақатгина давлат буюртмаси бўйича етиштириладиган маҳсулотлар (пахта, ғалла) бир қисми учунгина сақлаб қолиб, бошқа маҳсулотлар учун эркин савдо шахобчалари орқали савдо қилишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалиги корхоналариларга кимёвий таъминот шохобчалари ташкил этилиши ўғит таъминоти муоммосини хал этгани йўқ. Бу энг аввало;

-қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарига ўғитни фонд орқали тақсимоти, ўғитларни сотиб олиш борасидаги қишлоқ хўжалиги корхоналариэркин эмаслиги билан боғлиқ;

-экинларни озиклантиришда ўғитлар нисбати сақлансада умумий талаб асосан азотли ўғит ҳисобига қондирилмоқда;

-молиявий ҳисоб-китоблар тизимидаги номутаносибликлар, кўп ҳолларда қишлоқ хўжалиги корхоналарилар маблағининг қишлоқ хўжалиги корхоналари хохишини эътиборга олмасдан турли корхоналарга банклар томонидан ўтказилиши ҳолатлари қишлоқ хўжалиги корхоналарининг танлаш имконини чеклайди.

Бизнингча кимё воситалари ишлаб чиқарувчи заводларнинг ҳудудий дилерлик бўлимлари маҳаллий савдо шахобчаларини очиш орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатиш минерал ўғит нархининг кескин арзонлашиши ва ўзаро тўловларни амалга ошириш самарадорлиги ортишига олиб келади.

9. Тадқиқотлар кўрсатишича ДАЖ МТПлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг талабини тўлиқ қондириш имконига эга эмас. Бу хизмат сифати пастлиги ва нархлари юқорилиги орқали намаён бўлмоқда.

-МТП ДАЖлардаги эгасизлик натижасида қимматбаҳо, техникалар тез

ишдан чиқиши, ортиқча харажатлар пайдо бўлиши ва хизмат нархлари ортишига олиб келмоқда;

-кооперацияни ривожлантириш қишлоқ хўжалиги корхоналарига арзон ва сифатли техника хизматлари кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга.

10. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида тузилаётган шартномаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин; биринчи гуруҳ-қишлоқ хўжалиги корхоналари ички хўжалик фаолияти билан боғлиқ шартномаларни, иккинчи гуруҳга қишлоқ хўжалиги корхоналарининг турли сервис хизматлар кўрсатиш, моддий техника таъминоти ва маҳсулот сотиш билан боғлиқ ташқи шартномалар. Айнан иккинчи гуруҳга кирувчи шартномалар ҳозирда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида асосий ўринни эгалламоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартномалар юзасидан кўрилган низолар кўпчилиги;

-ўғитлар ва кимёвий воситалар етказиб бериш борасидаги шартнома шартлари бажарилмаслиги натижасида;

-нефт маҳсулотлари етказиб бериш борасида тузилган шартномалар бажарилмаслиги натижасида;

-қишлоқ хўжалиги корхоналари маблағининг қишлоқ хўжалиги корхоналари розилигисиз банклар томонидан турли ташкилотларга ўтказилиши натижасида;

-пахта тозалаш корхоналари томонидан тузилган шартнома мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги корхоналари тегисли пахтадан олинган техник чигитлар қайта ишлаш заводларига ўтказиб бермаганликлари;

-давлат эҳтиёжи учун етиштирилган маҳсулотга тўловлар ўз вақтида амалга ошмаслиги натижасида пайдо бўлмоқда. Шунингдек аксарият шартномалар бажарилмаслиги қишлоқ хўжалиги корхоналарига томонидан судларга шикоят қилинмасдан қолиб кетади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Тошкент, 2003 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни, //«Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 15 октябр.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни, //«Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сонли Қарори “Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тўғрисида”, //Халқ сўзи газетаси, 2008 йил 27 январ.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларни бажариш учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли Қарори, // «Халқ сўзи», 2003 йил 5 сентябр.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли қарори

//Ўзбекистон овози газетаси, 2003 йил 1 ноябр.

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

8. И.А.Каримов, “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, -Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.

9. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 19 январь, 13-сон

111.Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар:

10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрда қабул қилинган «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

11.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги “2014 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2035-сонли қарори.

13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 февралдаги 2013 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги қарори.

14.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2013 йил 23-мартда ўтказилган йиғилиш баёни (2013 йил 28-мартдаги 01-03-31-14-сон йиғилиш баёни) билан тасдиқланган “2013 йилда пиллачиликни янада ривожлантириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, пиллачилик корхоналарини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш Тартиби”

15.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 3

декабрдаги "2013 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз ва узум ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланишнинг истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида"ги 340-сонли қарорига.

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 16 апрелдаги 1337-сонли «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида НИЗОМ»

IV. Асосий адабиётлар:

21. Ф. Жўраев, «Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш», Т.: «Истиқлол», 2004.

18. Ғ.А. Саматов ва бошқ., «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш», Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 2005.

19. Р.Х. Хусанов, А.Н. Хамдамов, И.Э. Рафиқов. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати. Муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари. Тошкент. 2001 й.

V. Қўшимча адабиётлар:

20. М.С. Юсупов, «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш», Т.: RAM-PRINT, 2007.

21. Р.Х. Хусанов, М.Қосимов, «Дехқон хўжалигини юретишнинг илмий ва амалий асослари», Т.: «Чўлпон», 2000.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

22. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари 2010-2013й.

VII. Интернет сайтлари:

23. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>

14. Маҳсулот етиштириш, сотишда шартнома муносабатларивожда қуйидаги вазиятларга эътибор қаратиш лозим:

-шартнома муносабатларини такомиллаштириш нафақат шартнома шартларининг бажарилиши устидан давлат, жамоат ташкилотлари назоратини кучайтириш билан, балки қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи тизимда бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган фаолият механизмини жорий этиш лозим;

-қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тайёрловчи, қайта ишловчи корхоналар ўртасида шартномалар тузишда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хусусиятини ҳисобга олиш лозим;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг табиий-иқлим шароитлари таъсирига моиллиги, шартнома тузишда меъзон бўлиши лозим. Чунки, шартнома иқлим ўзгариши, табиий офатлар сабабли талаб даражасида бажарилмаслиги мумкин. Шартномада бундай вазият учун “Форс-мажор” шартини киритиш кўзда тутилсада, кўп ҳолда шартномалар “Форс-мажор” га юзаки ёндошиб имзоланади;

-контрактация шартномасига маҳсулотнинг тез бузулиши, сифати пасайиши ёки яроқсиз ҳолга келиши мумкинлиги масаласи ҳисоб-китоблар асосидаги шартлар билан киритиш лозим. Бунда етиштирилган маҳсулотни буюртмачи қабул қилиши, ташиш, уларни сақлаш шароитларини ҳисобга олиш керак;

-қишлоқ хўжалиги корхоналари етиштирган маҳсулотни тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари томонидан қабул қилишда миқдори ва сифатини ҳисобга олиш механизми такомиллашмаган. Хусусан, пахта ёки ғаллани қабул қилишда маҳсулот сифатини қабул қилувчи ташкилот белгилайди ва бу жараёнда қишлоқ хўжалиги корхоналари иштироки деярли йўқ. Ёки ушбу жараёнга аралаштириш учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига шароит туғдирувчи механизм мавжуд эмас.

Шу боис қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотини қабул қилишда томонлар учун тенг шароитлар яратиш ва қабул қилувчи айби билан кечиктириш ҳисобига бузилган маҳсулотдан кўриладиган зарарни қишлоқ хўжалиги корхоналарига қайтариш имконини берувчи шартлар амал қилиши лозим;

-қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотининг асосий қисми (70-80%) давлат буюртмаси доирасида етиштирилиши, қишлоқ хўжалиги корхоналарига юқори даромад берувчи маҳсулот етиштиришда танлов имкониятини чеклайди. Бу шароитда шартнома тузишдаги томонлар эркинлиги тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналарига шартнома бажариш имконини яратишни давлат томонидан муҳофаза қилиш лозим;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун маълум муддат кўшимча сармояни ишлаб чиқаришга жалб қилишни тақозо этади. Бу қишлоқ

хўжалиги корхоналарини йил давомида бўнак билан тўлиқтаъминлашни ёки қисқа муддатли қарзлар олиш шароити яратишни тақозо этади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизимида қуйидагиларга аҳамият берилиши лозим:

-қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқий билимини ошириш йўналишдаги ўқув семинарлар, қисқа курслар ташкил этиш аҳамияти ортмоқда. Қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар жуда кўп, доимий равишда ўзгариб боради. Қишлоқ хўжалиги корхоналари уларни тўлиқ билиши шарт бўлмасада, етарли даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлиши, ҳақини ҳимоя қилиш учун тегишли идораларга мурожаат қилишга имкон беради;

-аксарият ҳолларда қишлоқ хўжалиги корхоналари шартнома имзолаш пайтида локайдликка йўл кўяди ёки шартнома шартлари моҳиятини англашга уринмай, имзолайди. Бу эса йил сўнгида тайёрловчи ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот фойдасига вазиятни ҳал қилади;

-шартнома томонлар ўртасидаги фойдали келишувни ҳуқуқий расмийлаштириш жараёни бўлсада, ҳозирда қишлоқ хўжалиги корхоналари манфаати доирасида шартномалар наъмунавий нусхаси тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ. Чунки қайта ишловчи ва тайёрловчи ташкилотлар юқори малакали мутахассисларга ва тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш учун чекка қишлоқларда фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан кўпроқ имкониятга эга;

-шартномалар нусхаларини асосан қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар тайёрлаб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига имзолашга тақдим этилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари эса эътиборсиз ҳолда имзолайди.

«Инфратузилма» сўзи лотин тилидан таржима қилинганда «тузилмадан ташқарида» маъносини англатади. Иқтисодий нуқтаи-назардан инфратузилма моҳиятига қуйидаги изоҳ кўпроқ мос келади: «инсон ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида фаолиятлар алмашинувини таъминловчи товарлар ва хизматлар яратишда ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси».

Инфратузилма тўрт қисмга, ишлаб чиқариш, бозор, ижтимоий ва институционал инфратузилмага бўлинади.

Ишлаб чиқаришинфратузилмаси **бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади. Унинг таркибига:**

-моддий-техника таъминоти;

- маҳсулотни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш;
- агрохимия ва зооветренария хизмати;
- техник хизмат кўрсатиш;

-сув ва электр таъминоти, турли маҳсулотлар ва информация хизмати каби бўлинмалар киради.

Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатмасда, хўжаликнинг умумий фаолиятини таъминлашга хизмат кўрсатади. Масалан, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, инвестицион ва шу каби бошқа хизмат турлари хўжалик фаолиятининг турли томонлари самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатади.

Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини такрор ҳосил қилиш учун, шунингдек меҳнаткашларнинг турли маиший хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун хизмат қилади.

Институционал инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини қўллаб-қувватловчи макроиқтисодий тартибга солиувчи соҳалар ва фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари, молия-кредит тузилиши ва бошқалар киради.

Инфратузилма бўлинмаларининг ривожланиб боришидан фермер хўжаликлари катта манфаат кўради, негаки бу фермерларни ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боқлиқ бўлган ишлардан озод этиб, уларнинг куч-қайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Инфратузилма деганда нимани тушунасиз?
2. Инфратузилма қандай турларга бўлинади?
3. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси қандай вазифаларни бажаради?
4. Бозор ва институционал инфратузилмаларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Ижтимоий инфратузилмалар қандай мақсадларга хизмат қилади?
6. Инфратузилмаларни қандай йўналишларда такомиллаштириш лозим?

Асосий адабиётлар:

1. Б.Т.Салимов ва бошқ., «Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди», Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004.
2. А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004
3. Ф. Жўраев, «Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш», Т.: «Истиқлол», 2004.
4. Ғ.А. Саматов ва бошқ., «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш», Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 2005.
5. Г.А. Петранова, «Экономика и управление в сельском хозяйстве», М.: Академия, 2003.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Моддий-техника ресурслари стратегик

турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисида Низом”.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини ташкил этишнинг моҳияти ва вазифалари.
2. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини ташкил этиш объектлари.
3. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини ташкил этишда субъектлар томонидан қарор қабул қилишда қўлланилган усуллар.
4. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини шакллантириш тамойиллари.
5. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини ташкил этиш услубияти ва уни тамойиллари.
6. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини ташкил этишда рақобат муҳити.
7. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини ривожлантириш стратегияси.
8. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини ташкил этишда сервис хизматини амалга оширувчи корхоналарнинг аҳамияти.
9. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини ташкил этиш босқичлари.
10. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини ташкил этиш орқали уларни барқарор ривожлантириш масалалари.
11. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини ташкил этишда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш.
12. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини ташкил этишда молиявий ҳаражатларни режалаштириш.
13. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини ташкил этишда илмий-техник тараққиётини тартибга солиш.
14. Фермер хўжалиklarига сервис хизматини ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини ривожлантиришда хорижий тажрибалар.

3. ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР РЎЙХАТИ.

Асосий адабиётлар

1. Бельх Л.П. Реструктуризация предприятия. Учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 511 стр.
2. А.Абдуганиев, А.Абдуганиев, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004. – 346 бет.
3. Ф. Жўраев, «Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш», Т.: «Истиклол», 2004. – 343 бет.
4. Ғ.А. Саматов ва бошқ., «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш», Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2005.- 507 бет.
5. Г.А. Петранова, «Экономика и управление в сельском хозяйстве», М.: Академия, 2003.- 480 стр.
6. Р.Х.Хусанов, А.Н.Хамдамов, И.Э.Рафиқов. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати. Муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари. Тошкент. 2001 й.

3.2. Фермер хўжалиklarига сервис хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни шакллантириш

Республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида

инфратузилмаларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Айниқса, маҳсулотларни сотишда маркетинг ва реклама хизмати, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, молия-кредит муассасалари, инвестицион ва шу каби бошқа хизмат турлари хўжалик фаолиятининг турли томонлари самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатади.

Фермер хўжаликлари ривожланишининг ҳозирги босқичида ишлаб чиқаришни молиялаштириш масаласи ўта муҳимдир. Негаки, кўпчилик фермер хўжаликларининг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ ва шу сабабли четдан молиявий маблағлар жалб этишга эҳтиёж сезади. Бугунги кунда фермер хўжаликлари фаолиятини кредитлар билан таъминловчи кенг тармоқли банклар тизими шаклланган. Шу билан бирга фермерларга қулайликлар яратиш мақсадида бевосита фермерлар жойлашган ҳудудларда тижорат банкларининг филиалларини ёки мини-банкларни ташкил этишга кенг эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ жойларда фермер хўжаликлари хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган давлат дастурлари натижасида мини-банклар сони муттасил ошиб бориб, 2007 йил биринчи чорагида 1041тага етди. Фермер хўжаликлари хизмат кўрсатувчи тижорат банки ёки унинг филиалини мустақил танлаш ҳукуқи берилган.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни муомала соҳасида яқунланади. Шу туфайли унинг ривожланиш даражаси хўжалик фаолиятининг якуний натижаларига бевосита таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтда фермерлар учун маҳсулот сотишга кўмак берувчи бир нечта йўналишдаги инфратузилмалар мавжуд, яъни улар маҳсулотларини тайёрлов ташкилотлари ва қайта ишлаш корхоналарига, тадбиркор хусусий шахсларга ёки бозорда сотиш мумкин.

Аммо кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳозирда фермерларнинг давлат эҳтиёжлари учун етиштирилган пахта ва ғалла маҳсулотларини “Ўзпахтасаноат” ва “Ўздонмаҳсулот” компаниялари харид қилмоқда. Давлат буюртмасидан ташқари етиштирилган маҳсулотлар тайёрлов ташкилотларига ва қайта ишлаш корхоналарига, шунингдек бозорда сотилмоқда. Бугунги кунда фермер хўжаликлари етиштирган маҳсулотларни эркин сотишга кўмаклашувчи 550 та қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш шахобчалари ва 208 та агрофирмалар фаолият кўрсатмоқда.

Фермер хўжаликлари учун маҳсулот сотишга кўмаклашувчи инфратузилмалар ичида фермер бозорлари катта аҳамият касб этади. Маҳсулотни бевосита бозорларда сотишнинг фермер учун манфаатли томонлари кўп. Чунки бунда у маҳсулотини ўзи истаган нарх бўйича (талаб ва таклифдан келиб чиқиб) сотиш имкониятига эга бўлади, шунинг билан бирга бозорда у маҳсулотни нақд пулга сотиши мумкин.

Кейинги йилларда фермерларни эҳтиёт қисмлар, уруғлик, кўчатлар ва концентрат озуқалар каби моддий ресурслар билан таъминлашда қишлоқ жойларда ташкил топаётган дўконлар фаолиятдан фойдаланиш тажрибага кириб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган дунёдаги кўпгина мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, фермерларни моддий техника ресурслари билан таъминлашда товар ва хом ашё биржаларининг аҳамияти каттадир. Биржалар

фермерларга ўз маҳсулотларини бозор конъюктураси ва талаб-таклифлардан келиб чиқиб сотиш, шунингдек ўзларига зарур бўлган техника воситалари ва моддий ресурсларни харид қилишга имкон яратади. Республикамизда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржаси (ЎЗРМХБ) ва республика кўп тармоқли агросаноат биржаси (РКТАСБ) фаолият олиб бормоқда. Бу биржалар фермер ва деҳқон хўжаликлари етиштирган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда электрон савдо орқали сотишга кўмаклашиш билан бирга товар ва моддий хом ашёларни харид этишга имкон яратади.

Бозор муносабатлари такомиллашиб бориши билан, фермерларга хизмат кўрсатуви инфратузилма таркибида биржалар, ярмаркалар ва бозорларнинг аҳамияти тобора ўсиб бориши шубҳасиз.

Бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми сифатида ярмаркаларнинг роли ошиб боради. Республикамизда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги мини техникалари ва технологиялари соҳасида ярмарка ва кўرғазмалар ўтказиш анъанага айланмоқда. Имконият даражасида ҳар бир туманда тез-тез ярмаркалар ташкил этилиб турилиши керак. Шунингдек, туманларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилишга ихтисослашган агробиржалар фаолиятини йўлга қўйиш яхши самара беради.

Бозор инфратузилмаси таркибида ахборот ва маслаҳат хизмати муҳим ўрин тутди. Чунки етарли ахборотга эга бўлмай туриб, хўжалик самарадорлигини таъмин этувчи бошқарув қарорларини қабул қилиб бўлмайди. Шунингдек ахборот хизмати ишлаб чиқаришни фан ва техниканинг энг янги ютуқлари, замонавий техника ва технологиялар, илғорлар тажрибаси билан таъминлаб туришга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда фермерлар ҳар қачонгидан ҳам кўра ахборот ва маслаҳат хизматига кўпроқ эҳтиёж сезади. Чунки, уларни зарурий ахборот ва маслаҳат билан таъминлаб турувчи хизмат турлари ҳам шаклланмаган. Фермер хўжаликларининг ҳажми кичиклигидан уларда агроном, зоотехник каби бир қатор керакли мутахассисларни сақлаб туриш ўзини оқламайди. Ҳар бир тумандаги фермер хўжаликлари уюшмаси қошида уларни зарур маълумот ва маслаҳатлар билан таъминловчи малакали мутахассислардан иборат хизмат гуруҳи шакллантирилади. Бугунги кунда фермерларга маслаҳат хизмати кўрсатувчи 310 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонида истиқболда фермер хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантириш учун бозор инфратузилмаларини ривожлантиришнинг қуйидаги йўналишлари белгилаб берилган:

- фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари сони

8200 дан ошиб кетиши.

- тижорат банклари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг фермерликни ривожлантиришга йўналтираётган кредит ресурсларини кўпайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;

- кредит таваккалчилигини суғурталовчи институционал тузилмаларни кенг ривожлантириш;

- қишлоқда фермер хўжалиklarининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини жадал ривожлантириш;

- илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

- маҳсулотларини сотишнинг энг мақбул йўллари ишлаб чиқиш.

Фермер хўжалиklarига самарали хизмат кўрсатишни шакллантириш мақсадида республика бўйича жами 1041 та мини банклар, 550 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш шохобчалари, 417 та чорва моллари сотиш ва зооветеринария хизмати, 310 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати, 78 та транспорт хизмати, 84 та тара, идишлар ва қадоқлаш материаллари билан таъминлаш шохобчалари ҳамда 208 та агрофирмалар ташкил этилди (24-жадвал).

Институционал инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи соҳалар фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқалар киради.

Фермер ва деҳқон хўжалиklари фаолиятини тартибга солиб турувчи давлат органлари сафига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини, ҳокимиятлар ва бошқа давлат бошқаруви органларини киритиш мумкин. Шу билан бирга фермер хўжалиklари фаолиятини қўллаб-қувватлаб турувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар, уюшмалар, илмий-тадқиқот марказлари ва бошқа субъектлар фаолияти диққатга сазовор. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжалиklари уюшмаси, Адлия вазирлиги ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.